# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1997 йил. 22 июл | 29 (110)-сон



## ШУ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

### Олтинчи довон сарҳадларида

— Энди, ука, сирасини айтсам, биз ҳам четдан учиб келган хас эмасмиз, шу юртда униб-ўсган битта кўкатмиз. Шунинг учун ҳам мана шу элни деб яшаяпмиз, мана шу элни деб ишлаяпмиз...

Ёлғонга йўйманг, бу гапни эшитганимга, оз эмас-кўп эмас, роппа-роса 13 йил бўлди, лекин ҳали-ҳануз эсимдан чиқмайди. Боиси — уни бадиий ташбеҳлар топишга уста ёзувчи-шоир ёки ҳар бир сўз оҳангига урғу бериб гапирувчи санъаткор эмас, балки умрбўйи қўлидан кетмон тушмаган оддий деҳқон айтганди. Янаям аниқроғи, бу гапни мен хизмат юзасидан далада суҳбатлашиб ўтирганимизда бекободлик пахтакор-бригадир Султонали Мирзаевдан эшитгандим. Ўшанда у қилган ва қилаётган ишларини бирма-бир мақтаб, эзмаланиб ўтирмаганди. Аксинча, олтмиш йиллик умри сарҳисобини деҳқончасига мана шундай содда, мана шундай лўнда сўзлар орқали мухтасаргина ифода этиб қўя қолганди.

Очиғи, ҳозир Султонали ака соғ-саломатми, соғ-саломат бўлса, қандай ташвишу юмушлар билан банд — бунисини билмайман. Фақат бир нарсани аниқ айта оламан: юртимизда Султонали ака каби ҳалол-пок, иймон-эътиқоди бут кишилар кўп, жуда кўп! Уларнинг гап-сўзлари ҳам, мақсад-ниятлари ҳам бир-бирига жуда-жуда ўхшаш, иш тутумлари, хатти-ҳаракатлари юртбошимизнинг бугунги кунда шиорга айланиб қолган «Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак!» деган даъватига жуда-жуда ҳамоҳанг-уйқаш. Ана шу боисдан ҳам бугун Ўзбекистон мустақилликнинг олтинчи довони сарҳадларида шаҳдам одим отиб бормоқда. Ана шу боисдан ҳам бугун ўзбек эли жаҳон айвонида ўз ўрнини, ўз мавқеини топиб бормоқда.

Бизни жаҳонга танитаётган ютуқларимиз, дунё аҳлини ҳайратга солаётган ишларимиз эса бисёр. Узоққа бормайлик, фақат шу кеча-кундузги ўзгаришларга бир назар ташлайлик. Ўтган ҳафта ҳаммамиз Кўкдумалоқда янги компрессор станцияси ишга туширилгани ҳақидаги хабарни эшитдик, кўрдик, билдик ва бундан бениҳоя шодландик. Негаки, бу станция Ўзбекистон индустриясини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган, демакки, халқимиз ҳар



қанча фахрланса, ифтихор этса, арзийдиган ноёб иншоотдир.

Қувончимиз бежиз эмас. Ҳар қандай жамият тараққиёти асосида иқтисодий мустақиллик ётади. Иқтисодий мустақиллик ҳар қандай мамлакатнинг ҳам сиёсий мустақиллиги учун замин яратади. Бу борада ғалла сингари ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришиш ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади. Шунга кўра Ўзбекистон Истиқлолни қўлга киритган илк кунларданоқ бошқа соҳалар қатори унинг нефт мустақиллигини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Президентимиз нефт ва газ саноатини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш, мамлакатнинг ёқилғи мустақиллигига эришиш Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлларидан бири эканлигини белгилаб берди. Натижада ўтган давр ичида бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Чунончи, Кўкдумалоқ ва Мингбулоқ конларининг ўзлаштирилиши, Қоровулбозорда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши олиб борилаётгани, Фарғонадаги айнан шундай корхонанинг тубдан таъмирлашга киришилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Кўкдумалоқ нефт конлари бундан икки йил муқаддам фойдаланишга топширилганди. Ўша вақтдан эътиборан бу ерда кучли компрессор станциясини барпо этиш ишлари бошлаб юборилганди. Шу мақсадда Американинг жаҳонга машҳур «М.Ю.Келлогг», «Дрессер» компанияларининг технологиялари танланганди. Ушбу технологияга кўра ер бағридан олинадиган нефт ва газ аралашмаси кон мажмуида илк саралашдан ўтказилади. Сўнгра унинг таркибидан ажратиб олинган газ қайтадан замин қаърига юборилади. Шу тариқа кучли босим пайдо бўлади, ёнилғи бойликларининг юқорига табиий равишда отилиб чиқиши таъминланади.

Мутахассисларнинг айтишларича, янги компрессор станциясининг бутун дунёда ўхшашини топиш қийин. Шу боис унинг келажагига халқаро молия ташкилотлари, машҳур хорижий фирмалар ва компаниялар катта ишонч билдирдилар. Бунёдкорлик ишларига «М.Ю.Келлогг», «Дрессер» билан бир қаторда Япониянинг «Нишо Иваи» компанияси ҳам муносиб улуш қўшди. АҚШ ва Япониянинг Экспорт-импорт банклари ушбу устивор лойиҳани маблағ билан таъминлашни ташкил этдилар. Буни хорижий шерикларнинг Ўзбекистонга ишончининг рамзий-амалий ифодаси десак, асло янглишмаймиз.

Уч мамлакат мутахассислари ҳамкорлигида барпо этилган Кўкдумалоқ компрессор станцияси юқори атмосфера босими билан ишлайди. Бир кеча-кундузлик иш унумдорлиги бир неча миллион кубометрга тенг. У ер остидан чиқариб олинадиган хомашё бойликларини Қоровулбозордаги янги нефтни қайта ишлаш заводига ҳамда Муборак газни қайта ишлаш корхонасига юбориб туради. Демак, биргина компрессор станциясининг фаолият кўрсата бошлаши икки корхонанинг мунтазам ишлаши учун замин яратади. Шу аснода минглаб одамларни иш билан таъминлаш имконини туғдиради.

Дарвоқе, ҳадемай юртимизда яна бир улкан қурилиш мажмуи — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини барпо этиш ҳам ниҳоясига етади. Унинг фойдаланишга топширилиши жумҳурият ёқилғи-энергетика саноати ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолади. Чунки юртбошимиз Кўкдумалоқ компрессор станцияси бунёдкорларига йўллаган табрикномасида алоҳида таъкидлаганидек, «Республикамизнинг бой нефт-газ потенциали Ўзбекистоннинг энергетика мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш учун олдимизда янги имкониятлар ва истиқболлар очади». Бундай улуғвор ишларни тез ва соз амалга ошириш эса мудом элим деб, юртим деб яшовчи фидойи инсонларнинг қўлидан келади. Қолаверса, бугунги замон бизнинг ҳар биримизни оламга кенгроқ қарашга, катта масалалар билан шуғулланишга, йирик муаммолар устида ўйлаб, кенгрок фикрлашга ундамоқда. 17 июл куни бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида Президентимиз бу ҳақда алоҳида уқтириб ўтди. Миллий бирлик, миллий яхлитлик, миллий бир бутунлик — миллий равнақ асоси эканлигини назарда тутиб, ҳаммамизни умуммиллат манфаати, унинг обрўси, қиёфаси ва келажаги учун бирлашиб ҳаракат қилишга чақирди.

Бинобарин, ҳаммамиз шу юрт фарзандларимиз. Унинг равнақи йўлида меҳнат қилиш барчамизнинг шарафли бурчимиздир.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ**



Ёз гашти

## ЮЛДУЗИ ҚАЙТАДАН ЁНГАН ХАЛҚ...

Вақт эндигина Озодликка чиққан халқ учун шунчаки ҳафта, ой, йиллар эмас. Балки ҳар лаҳза, ҳар дақиқаси қуллик ўраб, чирмаган ғафлат тўрларидан қутилиш, ёруғлик билан юзлашиш учун имкондир.

Ўзбекистон Хотин—қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси биргаликда ўтказган навбатдаги тадбир ҳам шу хулосамизни далиллайдиган анжуманлардан бири бўлди.

Йиғилиш Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка, таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг мазмун—моҳиятини хотин—қизлар ўртасида ўрганишга бағишланди.

Ўзбекистон Президенти Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов юртбошимизнинг янги китобларидаги тарихий ва замонавий кўлам — теранлик ва баландлик ҳақида гапирди. Унинг инсон онгида инқилоб қилишга қодир ҳақиқатларини китобдан кўчирмалар билан изоҳлади.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Гулнора Йўлдошева, Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани Беруний номидаги маҳалла оқсоқоли Саиднаби Ҳожи Саидкаримов, «Соғлом авлод учун» журналининг бош муҳаррири М.Қўшмоқбой, Андижон вилояти хотин—қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокими ўринбосари Муаззам Шамсибоева ва бошқалар юртбошимизнинг бу китоблари қомусий мазмунга эга эканлигини, шу боис биз учун дастуриламал вазифасини ўташини таъкидладилар. Нотинч дунёда барқарор яшаш, уйғоқ, тергак яшаш, жаҳон кўз ўнгида қадимий давлат ва миллат эканимизни намойиш қилишимиз учун ёшларни замонавий касб—ҳунарлар билан ярoқлантириш, тафаккурларини илм нури билан бойитиш асосий вазифамиз эканлиги ҳақида сўзладилар. Ўз хизматларидаги илғор тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

**—Муаррих Мирза Азим Сомий Бўстоний гувоҳлик беришича, чор ҳукумати Туркистонни забт этган 1868 йилнинг саратон кечасида юлдузлар осмондан ерга ёғилган экан. Бу ҳодиса Карманада, Шаҳрисабзда, Қаршида ҳам кузатилган. Юлдузлар ерга найза бўйи эгилиб юлдуз ёмғири дилларни қўрқувга солган экан. Бу тақдирнинг бизга зулматли кунларимиз бошланганидан дарак берувчи ишораси эди, назаримда. Мустақиллик билан миллатимиз юлдузлари яна кўтарилиб, яна қайтадан ёнди, Ўзбекистон шараф — юксалиш буржига кирди, — деди Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева.**

У Президентимиз асари янги тарих, жуғрофия, фалсафа, ахлоқ сабоқларида асос бўлиши ҳақида гапириб, бу китобни кўп нусхада қайтадан нашр қилиш зарурияти истагини билдирди.

... Ҳар бир йигит-қизимиз ўз ҳудудларидаги конларни яхши билиши даркор. Унинг иш жараёнида мумкин қадар иштирок этмоғи лозим. Ўз бойлигига ўзи эга чиқмаган халқнинг, бировларга бериб томошабин бўлиб турган элнинг эртаси хатарли. Оналаримиз фарзандларини шундай огоҳ ўстирсалар яхши...

Анжуман Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари халқимизнинг турли қатламларига етиб боришини таъминлаш, ўрганишга камарбаста бўлиш иштиёқи билан якунланди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ўринбосари, Республика Хотин—қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова бошқарди.

**Қ.РАҲИМБОЕВА**

*Талабаликка даъвогар ёшлар ҳаётидан*

## КАЙФИЯТЛАР ҚАЛАЙ, АБИТУРИЕНТ?

Пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасининг бугунги кўриниши ғоятда завқли ва файзли. Бу ерда юрган абитуриент йигит-қизларнинг кайфиятлари, чор-атрофга қарашлари ўзига хос, ўзларини тутишлари ҳам ўзгача. Уларнинг кўзларида энг чиройли ҳайратни ва алланечук соғинчни илғайсиз. Шу билан бирга, нигоҳларида хаёллари, тасаввурларидаги шаҳарлар ўрнига оддий бинолар, вазмин йўллардан заҳа еган ҳайрат зуҳур этиб туради. Яна шу пайтнинг ўзидаёқ Самарқанднингми, Андижоннингми, Қашқадарёнингми автобусларига чиқиб қишлоғига кетворгиси келган кўзларни кўрасиз. Улар ғоятда меҳрманд ва содда қалблари билан сизни ўзига чорлайди.

Ўқишга кириш учун ҳужжат топшираётган ёшлар орасида бўлганимда, уларнинг орзу-умидлари билан қизиқдим. Жумладан, молия техникумига ўқишга кириш ниятида бўлган самарқандлик Мансуржонга шундай савол бердим:

— Ҳадемай, имтиҳонлар бошланади. Улардан ўта оламанми, йўқми, деб қўрқаётгандирсиз?

— Йўқ, қўрқмаяпман-у, қаттиқ ҳаяжонланаяпман. Лекин талабалар сафига ўтишга умидим катта. Ҳарқалай, жиддий тайёргарлик кўраяпман.

Сурхондарёлик Одилжон ўтган йили ҳам журналистика факултетига кириб ўқиш ниятида келган экан. Бироқ омади чопмабди. У бу йил яна ўз бахтини синаб кўрмоқчи экан.

— Бу сафар роса қаттиқ тайёргарлик кўргандирсиз, — дейман унга хайрихоҳлик билан.

— Бўлмаса-чи!.. — Одилжоннинг кўзларида умид ёнади. — Ўқишга кириб олсам, отам бутун қишлоққа ош бермоқчи. Худо хоҳласа, сизларни ҳам ошга айтаман.

— Ў-ҳў, мўлжалингиз зўрку. Ишқилиб, бизни ошга айтмасангиз ҳам, ўқишга кириб кетинг. Энди айтинг-чи, абитуриентликда қийналмаяпсизми, шаҳарчамиздаги яшаш шароити сиз каби толиби илмларга маъқулми?

— Нолийдиган жойимиз йўқ. Гарчи ётоқхонамизда совуқ сув, тозалик у қадар яхши бўлмаса-да, кайфиятимиз аъло, бир-биримизга далда бериб, борига қаноат қилиб яшаяпмиз.

Мен бу гапни бошқа абитуриентлардан ҳам эшитдим. Шунга кўра ТошДУ ётоқ хоналар директори Адҳам Эргашевга учрашдим. Ётоқхоналарда совуқ сув йўқлигини, тозалик жойида эмаслигини айтдим.

— Мен ҳам шу ҳақда бош қотириб ўтирибман, — деди у киши афсус билан. — Бу ҳақда шаҳар сув созлаш трестига бир неча бор мурожаат қилдим. Бироқ эътибор беришмаяпти. Тозаликни сақлаш эса умумий ишимиз. Лекин шу ердаги маҳаллаларда яшовчилар чиқиндиларини ётоқхона атрофига тўкишни одат қилиб олишган. Бундан қутулишнинг битта йўли — янги ўқув йилидан эътиборан ётоқхонани ёпиб, талабаларни кўчиришдан иборат.

Директорнинг гапларини эшитиб, шу йил матбуотда ётоқхоналаримиз, шаҳарчамиз ҳақида босилган танқидий мақолалар эсимга тушди. Уларда муболаға кўп бўлса-да, ҳақиқат ҳам бор эди. Шу боис Адҳам Эргашевнинг нуқсонларни йўқотиш учун анча елиб-югурганликлари ҳам беихтиёр хаёлимдан ўтди. Натижада, анча ишлар амалга ошиб, шароитлар ҳам яхшиланди. У киши бундан кейин ҳам ётоқхоналарни талабаларнинг иккинчи уйига айлантира олишларига ишонсак бўлади.

**ГУЛЖАМОЛ**

*Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотига номзодлар*

## МАТОГА МУҲРЛАНГАН ЖОЗИБА

Инсон яхши куй тинглаганда ором олади, қизиқарли китоб ўқиганида роҳатланади. Рангоранг жилоларга бой тасвирий санъат асарини кўрганда кўнгли завққа тўлади. Мен Ортиқали Қозоқов чизган асарларни кўрганимда, улардан завқланаман.

Истеъдодли мусаввир асарлари ўзбек тасвирий санъатидаги ўзимиз ўрганиб кетган оддий ва анъанавий йўлдан фарқланиб туради. Улардаги тасвир услубининг ўзига хослиги, шакл ва мазмуннинг ранглар уйғунлигида берилиши, айтиш жоиз бўлса, воқеаларнинг хаёлот чизиқларига қўшилиш жараёни, баъзи ўринларда тасвир ичидаги кўринишлари кишини ҳайратга солади.

Ортиқали Қозоқов асарларида Ғарб модернизми тасвирий санъат усталарининг ижобий таъсирини кузатиш мумкин. Мусаввир кўпроқ Анри Матисс, Пабло Пикассо, Сальвадор Дали, Пол Сизан, Ван Гог каби жаҳонга донғи кетган Ғарб мусаввирлари ижоди билан қизиқиб келади. Уларнинг ижод сирларини ҳавас билан ўрганишга интилади. Шу асосда миллий асарлар, ҳақиқий ўзбекона манзаралар яратишга кучли эътибор беради. Мана, бу сатрларда таъкидланганидек:

**Қуёш эриб кўзимда маним,**
**Юрагимда гуллар жаранги.**
**Ҳамма нарса ўзимда маним,**
**Камалакнинг етти хил ранги.**

Ортиқалида ҳамма нарса бор. Ўзининг фақат ўзига ўхшаган дунёқараши бор. У қайтариқларни ёмон кўради. Ҳар бир асарда янгиликка интилади ва у бу янгиликларини бизга туҳфа этаяпти ҳам.

Фаррух Зокиров, Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмонова каби санъаткорларни ўзбек эстрадаси юлдузи сифатида тилга олишади. Мен эса Ортиқали Қозоқовнинг ўзбек рассомчилик санъатининг юлдузларидан бири деб тилга олишни яхши кўраман.

Ортиқали Қозоқовнинг «Азон», «Икки фаришта», «Уч дўппи», «Мулоқот», «Унутилган тегирмон», «Бибихоним», «Кулфат ҳайқириғи», «Чўмилаётган Ширин» каби асарларини шунчаки оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Бу картиналарда тасвирланган хийла мураккаб манзаралар, бир қарашда англаб етиш қийин бўлган воқеалар тизими, ранглар ўз-ўзидан кишини мулоқотга чорлайди. Теран мушоҳада юритишга ундайди. Истеъдодли мусаввир манзараларида ҳайрат ва хаёл билан биргаликда ўзига хос фалсафа, чуқур мушоҳада, кенг мулоҳаза бор.

Мен Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотига номзоди қўйилган истеъдодли мусаввир Ортиқали Қозоқов асарларини юқори баҳолайман. Ўйлайманки, Ортиқали Қозоқов ушбу мукофотга ҳар томонлама лойиқ мусаввирдир.

**Баҳодир ЖАЛОЛОВ,**
**Ўзбекистсон халқ рассоми,**
**академик**



О. Қозоқов санъат ихлосмандлари билан

## «МЕН ТОЛИБИ ИЛМ...»

Қадимгилардан қолган бир гап бор: «Ёшликда олган илм тошга битилган нақш бўлур». Афлотуннинг айтишича, гўдакнинг ҳунар ўрганишга иштиёқи зўр бўлса, у ўйин орасида эшик қандай ясалишини ва уйларнинг қандай қурилишини ўрганиб олади ва кейинчалик бу ҳунар ва қобилияти унга асқотади.

Бугунги кунда илм олиш учун барча зарур шарт-шароитлар етарли. Шу боис ҳозир ўқув юртларига ҳужжат топшириш қизғин тус олди. Қайси ўқув даргоҳига борманг, қўлида китоб кўтариб юрган ёхуд уч-тўрттаси гуруҳ бўлиб тортишаётган абитуриентларга дуч келасиз. Улардаги таҳсил олишга, ўқиб-ўрганишга, касб-ҳунар эгаллашга бўлган иштиёқни кўриб ҳавасингиз келади. Бу йил олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш жараёни қандай кечаётганлиги, уларга яратилган шарт-шароитлар қай даражада эканлигини билиш ниятида бир неча илм даргоҳларида бўлдик, абитуриентлар ва домлалар билан суҳбатлашдик. Жумладан, ТошДУ, қабул комиссияси раиси билан мулоқотда бўлдик. У кишининг айтишларича, ёшларнинг ижтимоий фанларга қизиқиши кучайган. Хусусан, ҳуқуқшунослик соҳаси бўйича топширилган ҳужжатлар бир ўринга ўн учтани ташкил этади. Ўтган йилга нисбатан бу йил топширилган ҳужжатлар сони анча кўп. Мазкур ҳол ёшларимизнинг илмга иштиёқи ошиб бораётганидан далолат беради. Қолаверса, жумҳурият Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «1997—98 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига қабул тўғрисида»ги қарорига кўра, кундузги ва сиртқи бўлимларга 21 минг талаба давлат гранти асосида, яъни бюджет ҳисобидан ўқишга кириши белгилаб қўйилган. Бу давлатимизнинг ёшларга беқиёс ғамхўрликларидан бир нишонадир.

Имтиҳон кунлари тобора яқинлашмоқда. Юракда ширин бир ҳаяжон билан «Сизларга омад ёр бўлсин, укажону сингилжонлар», деймиз.

**МОҲИДИЛ**

## «ЖАҲОН АДАБИЁТИ»

### ЯНГИ НАШР

Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик «Жаҳон адабиёти» ойлик журналининг 1-сони босмадан чиқди.

Бу журнал ўқувчилар оммасини дунё адабиётидаги янги бадиий асарлар билан мунтазам таништириб боради, турли миллатларнинг серқирра ҳаётини теран образларда ҳаққоний акс эттирувчи бадиий баркамол асарларни чоп этади ҳамда тарғиб қилади.

Янги нашрнинг илк саҳифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жаҳон адабиёти» журналини ташкил этиш тўғрисидаги қарори билан очилади. Журнал таҳририяти номидан берилган мақолада эса ушбу нашрда жаҳон адабиёти намуналарини ўз она тилимизда ўқиш барчанинг орзуси бўлганлиги ва журнал ўзбек китобхонлари хонадонига ўзига хос тафаккур кутубхонаси бўлиб кириб бориши ҳақида сўз юритилган. «Янги аср бўсағасидаги ўйлар» рукни остида асримизнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматов ҳамда таниқли қозоқ шоири, йирик жамоат арбоби Мухтор Шахановнинг суҳбати натижасида дунёга келган «Қояда қолган кўз ёшлар романидан берилган боблар инсониятга чексиз ишонч ва меҳр-муҳаббат маҳсулидир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров журналда янги романи билан қатнашган. «Она лочин видоси» деб номланган бу асарда Мовароуннаҳр ҳукмдори, буюк аллома Мирзо Улуғбек, унинг онаси Гавҳаршодбегим ва ўғли Абдулатифнинг ҳаёти, улар ўртасидаги мураккаб зиддиятлар тасвирланган. «Шеърият гулшани» саҳифасидан Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг янги шеърларидан намуналар ўрин олган.

Таниқли ёзувчи Артур Хейли қаламига мансуб «Оқшом хабарлари» романи америкалик тележурналистларнинг ҳаётига бағишланган. Профессор Наим Каримов Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига атаб ёзган «Шоирнинг номаълум шеърлари» мақоласи ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотиши тайин. Замира Эшонованинг Чўлпон шеърлари таҳлил қилинган мақоласи, француз адиби Албер Камюнинг «Исёнкор одам» китобидан олинган парча ўқувчиларни санъатга оид исёнкор руҳ хусусидаги мушоҳадалар билан ошно этади.

«Жаҳон адабиёти»нинг 1-сони йигирма икки босма табоқ ҳажмида, беш минг нусхада чоп этилди.

**Журнал индекси: 75213, 75214.**

**«Жаҳон адабиёти»га обуна бўлишган шошилинг!**

**Назира ЖЎРАЕВА**

*Юрт кечмишлари*

# ТУРКИСТОН САҲИФАСИ

**Жадидлар. Мухториятлар. Қўрбошилар**

**Олтинчи мақола**

Мингтепа Фарғона водийсида жойлашган. У ҳаммага маълум ва машҳур Дукчи Эшоннинг қишлоғидир. 1898 йилги халқ исёнига раҳбарлик қилган Дукчи Эшон ўша кезларда шу қишлоқда имомлик қиларди. Чор қўшинларининг босқинчилик ҳаракатлари даврида Мингтепа Фарғонанинг забт этилган илк ҳудудларидан бири бўлиб, йигирма йилдан буён уларнинг тасарруфида қолиб келаётган эди.

1918 йил 20 мартда Шермуҳаммадбек ўз қароргоҳидан 40 километр узоқликда бўлган Мингтепадан таҳдидли бир мактуб олади. Унда шундай сатрлар ҳам битилган эди: «Ҳокимиятга қарши ғайриқонуний ҳаракатлар тўхтатилмас экан, ўртадаги дўстлик бузилиши мумкин». Бунга қўрбоши ҳам таҳдидли жавоб ёзади: «Тўғрироғи, Мингтепа тарк этилмаса, дўстлик бузилади».

Табиийки, иккала томон ҳам ўз фикридан қайтмайди. Оқибатда жангга тайёргарлик бошланади. 22 март куни Ўш минтақаси қўмондони Холхўжа Эшон бир гуруҳ йигитлари билан Гербобога келади. Мингтепага шу куннинг ўзидаёқ ҳужум қилиш режалаштирилади.

23 март куни қўрбошилар бомдод намозини ўқиётиб, Аллоҳдан ўзларига зафар тилайдилар. Сўнгра йўлга чиқадилар. Туш пайтида Мингтепа қуршаб олинади. Жанг оқшомга қадар давом этади. Қўрбошилардан 15, душман аскарларидан 300 киши ҳалок бўлади. Шундан кейин Мингтепа томонда оқ байроқ кўтарилиб, уч кишидан иборат ҳайъат сулҳ истаб келади. Шермуҳаммадбек шундай шарт қўяди: «Қуролларни ҳозироқ топширсангиз, ҳаётингизни сақлаб қоламан. Менга қарши ҳеч қачон жангга кирмасликка сўз берасизлар. Халқдан тортиб олинган ҳамма нарсани эгаларига қайтарасизлар ва тупроғимиздан чиқиб кетасизлар!».

Ҳайъат бу шартни қабул қилади. Душман тўрт юз милтиқ, катта миқдорда ўқ-дори ва маҳаллий аҳолидан тортиб олинган барча нарсани олиб келиб топширади ва Мингтепани тарк этади. Қурол-аслаҳа йигитларга тақсимлаб берилади, буюм-нарсалар эгаларига қайтарилади. Шундан кейин аввал Холхўжа Эшон Ўшга, кейин Шермуҳаммадбек Асака орқали Гербобога жўнаб кетади.

Туркистон Миллий Мухторияти тор-мор этилгач, Кова қишлоғи ва станцияси, Шаҳрихон ва Мингтепада қозонилган зафарлардан кейин Фарғона водийсида Шермуҳаммадбекнинг обрў-эътибори ортиб кетади. Йигитларининг мардлиги ва фидойилиги тилларда достон бўлади. Муқаддас курашда иштирок этиш истагини билдирганлар кун сайин кўпайиб боради. Ўша йил март ойи охирларига келиб Шермуҳаммадбек қўшинининг сони 5000 кишига етади.

Бу вақтда бошқа ҳудудларда ҳам аҳвол анча яхшиланиб, бир қатор ютуқларга эришилганди. Қўқонда катта Эргаш маркази Бачир бўлган, ён-атрофдаги Сўх, Қисақўз, Варзак, Яйпан, Бешариқ каби қишлоқларни ўзига бирлаштирган ҳокимият ташкил этганди. Муҳаммадаминбек Марғилоннинг ғарбий ва шимолий-ғарбий йўналишида жойлашган Найза-қайрағоч, Қорасоқол, Қалмоқ, Лоғон, Оқер ва Қорақаклик ҳудудларида ўз ҳарбий ташкилотини барпо этиб, Марғилон-Қўқон йўлини ҳам назорат остига олганди. Холхўжа Эшон Ўш атрофларида ҳокимлик қиларди. Муҳиддинбек Олой тоғларида (маркази Қоровул), Жонибек Қади эса Ўзган шарқида ҳарбий ҳаракатлар олиб борарди. Янги ташкил топган гуруҳларга Андижонда Парпибек, Наманганда Омон полвон раҳбарлик қиларди. Водий шимоли ва Ашоба атрофидаги ўн қишлоқ Омон полвон назорати остида эди.

Март ойида Фарғона водийси бутунлай миллий қўшин қўлига ўтади. Кўпсонли рус қўшинлари замонавий қурол-яроқ ва тўпларга эга бўлишларига қарамай, қўрбошилар ҳаракати доирасидаги ҳудудларга киролмасдилар. Бу қўрбошиларнинг энг кучга тўлган даври бўлиб, умумий стратегик дастур қабул қилишнинг вақти-соати етган эди. Шу сабабли, март ойининг охирларида (Нурмуҳаммадбекнинг «Хотиралари»га кўра, 1918 йилнинг 28-29 мартида) Бачирда, катта Эргашнинг таклифига биноан, қўрбошилар Қурултойи бўлиб ўтади. Унда вилоят ва туман қўмондонларидан қирқ қўрбоши қатнашади. Улар юзага келган аҳволни муҳокама этиб, ҳарбий ҳаракатни бошқарувчи умумий раҳбарлик тизимини сайлашга қарор қиладилар. Умумий овоз бериш йўли билан Шермуҳаммадбек «Амирул муслимин» ва Бош қўмондон этиб сайланади. Гербобо қўрбошилар ҳаракатининг маркази деб белгиланади. У ерга ҳар бир ташкилот вакили сифатида беш кишидан иборат ҳайъатлар юборилиши кўзда тутилади. Шермуҳаммадбек Бош қўмондон қилиб сайлангач, Гербобо қўшинига раҳбарлик унинг укаси Нурмуҳаммадбекка топширилади. Икки кун давом этган Қурултойда мана шундай ташкилий масалалар ҳал этилиб, зобитларга қарши муросасиз курашни янада қизғин давом эттириш юзасидан қарор қабул қилинади.

Қурултойдан кейин Шермуҳаммадбек Гербобога қайтиб боради ва мактуб олиб келган икки хабарчини қабул қилади. Улардан бири Искобилдан Ёдгор Бойжон, иккинчиси Чимёндан Сиддиқ Бойвачча юборган одам эди.

Ёдгор Бойжон Искобилнинг бой савдогарларидан бўлиб, миллий курашнинг биринчи куниданоқ Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбекка ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келар, ҳар ой Гербобога тўрт-беш аравада озиқ-овқат, кийим-кечак ва отлар учун ем юборар эди. Шермуҳаммадбек доимо эҳтиёт бўлишга чақирган бўлса-да, охири Ёдгор Бойжон маҳаллий 1200 киши қаторида қўлга олиниб, зиндонга ташланганди.

Сиддиқ Бойвачча эса Гербободан 70 километр шимолдаги Чимён қишлоғида турган қўшин қўмондони эди. Чимён яқинидан руслар қарийб 30 йилдан бери нефт қазиб олардилар. Бу конларда фақат рус ва арманлардан иборат 5000 га яқин ишчи ишлар ва 1500 аскар томонидан қўриқланарди. Шарқдаги Олтиариқ станциясига қадар чўзилган нефт қувурини ҳам 400 аскар доимий равишда қўриқларди.

Шермуҳаммадбек Ёдгор Бойжонни ва 1200 маҳбусни озод этиш учун Нурмуҳаммадбек бошчилигидаги 1000 кишилик қўшинни Искобилга юборади. Ўзи 3000 йигити билан Чимён сари йўл олади.

20 апрел куни Шермуҳаммадбек қўшинининг бир қисми рус гарнизонига ҳужум бошлайди, қолгани нефт қудуқлари ва қувурларини ўраб олади. Тезкор ҳужум натижасида гарнизон таслим бўлади, 700 га яқин қурол-аслаҳа қўлга киритилади, барча нефт қудуқлари ва қувурлари яроқсиз ҳолга келтирилади.

Нурмуҳаммадбек қўшини ҳам Искобилда муҳофаза чизиғини ёриб ўтиб, кенг майдонда жанг бошлаб юборади. Аммо, маҳбусларни озод этиш учун етиб келганларида, Ёдгор Бойжон ва яна 25 киши қатл этиб бўлинганди. Оқшомга қадар давом этган кўча жангларига маҳаллий аҳоли ҳам қўшилади. Қамоқхонага етиб келган йигитлар қўриқчиларни ер тишлатиб, 1600 га яқин маҳбусни озод этадилар. Эрта саҳарда навбатдаги ғалаба қўлга киритилади ва беш юзга яқин қуролланган йигит ҳамда озод этилганларнинг бир қисми (асосан ёшлар) Нурмуҳаммадбекнинг буйруғига биноан Гербобога қайтадилар.

Қиш фасли қўрбошилар учун ғалабалар даври бўлди. Қўшин сафлари маҳаллий аҳоли ҳисобига кенгайди. Ёзга келиб Бош қўмондан Шермуҳаммадбек ихтиёрида тўққиз қўмондон, уларнинг қўл остида эса 37 минтақа қўмондони бор эди. Айни чоғда бу кучга қарши ташланган қўшин сони ҳам оз эмасди. Бу вақтда Туркистон ҳудудларида 100000 кишилик яхши қуролланган қўшин фаолият кўрсатарди. Фарғона қўрбошилари қўлга киритган маълумотларга қараганда, 1918 йил 18 августда Туркистондаги қизил қўшин ихтиёрига 14 мингта милтиқ, мингта тўппонча, 300 та тўп ва 200 миллионга яқин ўқ-дори юборилади. Бироздан кейин эса яна қўшимча равишда 2 минг дона милтиқ, 2 миллион ўқ-дори, мингга яқин граната ва 7 та тўп келтирилади.

Ўш қўрбошиси Холхўжа Эшон ихтиёрида феврал ойида 500-1000 йигит бўлган бўлса, август ойига келиб уларнинг сони 1500-2000 га етади. Сал наридаги Жалолободда эса моҳир қўмондонлар раҳбарлигидаги яхши ҳарбий тайёргарлик кўрган ва З. В. Дўғоннинг ёзишича (Бугунги Туркистон, 389-бет), хотинлари ҳам қуролланган бир қўшин турарди. Ўш ва Фарғона рус аҳолиси кўплиги жиҳатидан Марғилондан кейинги ўринда эди. Зобит қўшинлари аҳолидан ҳар томонлама ёрдам оларди. Холхўжа Эшон йигитларининг айнан ана шу аскарлар билан жангга кириши кутилаётган эди. Ниҳоят, Жалолобод яқинидаги Благовещенск ва Спасск деб номланган каттагина рус қишлоқларига ора-сира ҳужум бошланади. Бу ҳаракат 20 октябрда бошланиб, 15 ноябрга қадар давом этади. Натижада ушбу ҳудудлар ҳам қўрбошилар назорати остига ўтади.

1919 йилга келиб қўрбоши қўшинлари ҳамда улар қўлга киритаётган ғалабалар Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгашини безовта қила бошлайди. Тошкентга келаётган ахборотлар миллий ҳаракатнинг тобора кенгайиб бораётганидан далолат берарди. Бу Фарғона водийси ва бошқа бир қатор ҳудудларда Русия ҳукмронлигига чек қўйиш хавфини туғдираётган эди. Кенгаш зудлик билан ишга киришиб январ ойида «Босмачилик ҳаракатига қарши амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар режаси»ни ишлаб чиқади. Унинг мазмуни қуйидагича эди:

«Фарғонадаги Босмачилик ҳаркатини тор-мор этиш учун вилоятда комиссиялар ташкил этишга доир кўрсатма:

1. Қароқчилар (қўрбошилар) ва бузғунчи кимсалар бўлган ҳудудлар тозаланиши таъминлансин.

2. Жойларда совет ҳокимияти ўрнатилиб, унинг расмий ташкилотлари барпо этилсин.

3. Комиссия вилоятда Инқилобий қўмита ва ҳокимият органи сифатида фаолият бошласин.

Комиссия фаолиятига доир кўрсатмалар:

1. Вилоятни қароқчилардан тозалаш учун қуйидагиларга эътибор бериш мажбурийдир:

а) вилоятда афв тадбирларини амалга ошириш йўли билан ғайриқонуний ҳаракатларни парчалаб, босмачилар томонидан алданганини тушунган халқ ўз ихтиёри билан кундалик ҳаёти ва ишига қайтиши таъминлансин;

б) кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб борилгандан кейин 10 кунлик муҳлат берилиши керак. Муҳлатнинг 7 куни ўтгач, 3 кун ичида қуролларини ўз ихтиёрлари билан топширган босмачиларгина афв этиладилар ва Русия жумҳуриятининг ҳур ва тенгҳуқуқли граждани сифатида ҳаётларини давом эттирадилар;

в) афв тадбирлари сўнггида ташкил этилган комиссиялар босмачи ва бошқа хил аксилинқилобий унсурларнинг қуролларини қабул қилиб оладилар. Бу тадбирлар жараёнида совет ҳокимиятига яқинлик кўрсатган маҳаллий аҳоли вакиллари хизматидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай кишилардан иборат бўлган 12 кишилик милиция гуруҳларини тузиш тавсия этилади.

Қўшимча маълумот:

1. Қўлга киритилган қурол-аслаҳалар вилоят маъмурларидан тузилган ҳарбий бўлинмаларга юборилади.

2. Босмачилардан олинган қурол-аслаҳа ягона масъул шахс — вилоят ҳарбий қўмондони кўрсатмаси билан тарқатилади.

3. Комиссиялар ўзлари фаолият олиб бораётган ҳududдаги аҳвол ҳақида мунтазам равишда маълумот бериб борадилар.

Ўлим жазоси ҳақида:

1. Қуйидаги ҳолларда терговсиз ўлим жазоси жорий этилади:

а) афв муҳлати тугагандан кейин вилоят ҳудудларида қўлида қуроли бўлган босмачиларга нисбатан;

б) афв муҳлати тугагунга қадар ёки ундан кейин ўғирлик, босқинчилик ёки зўравонлик устида қўлга тушган босмачиларга нисбатан.

Қўшимча маълумот:

1. Ҳукм қатл жараёнида ўқиб эшиттирилади.

2. Қуролсиз қўлга тушган босмачилар, қурол, ўқ-дори ёки босмачиларни яширган ва билиб туриб комиссияга хабар бермаган, умумий осойишталик тартиб-қоидаларини бузган кишилар Ҳарбий кенгаш ихтиёрига юборилади.

3. Бошқа турдаги гражданлик ишлари халқ маҳкамалари томонидан кўрилади.

Тинтув ва мол-мулк мусодараси:

1. Тинтув мол-мулк соҳиби ёки расмий протоколда гувоҳ сифатида кўрсатилган 2-3 киши (ерли аҳоли вакилларидан) иштирокида амалга оширилади.

2. Босмачиларнинг мол-мулки ва ерлари мусодара этилади. Оила аъзоларининг кундалик эҳтиёжи учун лозим бўлган уй-рўзғор буюмлари, озиқ-овқатини таъмин этадиган даражада ер ва унга ишлов бериш учун лозим бўлган нарсаларгина мусодара қилинмайди.

Қўшимча маълумот:

Мусодара этилган барча нарсалар Комиссия томонидан рўйхатга олиниб, рўйхатнинг бир нусхаси билан бирга Халқ Иқтисодий Кенгаши ва вилоят ҳарбий қўмондонлигига юборилади.

Вилоят қўмондонлари, ҳарбий ҳайъатлар ва комиссиялар ўртасидаги алоқалар:

1. Комиссиялар фаолиятлари ва умумий аҳвол ҳақида маълумотномалар тайёрлаб, вилоят қўмондонига ҳавола этишга мажбурдирлар.

2. Ҳарбий ҳайъатлар комиссия аъзолари билан келишган ҳолда ҳаракат олиб борадилар.

3. Комиссия, вилоят қўмондони ва ҳарбий ҳайъатлар ўзаро ахборот алмашувини таъмин этадилар.

Вилоят ҳокими ҳақида:

1. Вилоят ҳокими ўзига топширилган ҳудуд доирасидаги барча ишларни йўналтиради ва бошқаради.

2. Комиссия аъзолари ва ходимлари вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва ўзгартирилади.

3. Вилоят ҳокими ҳар ҳафта ҳудуддаги аҳвол ҳақида маълумотнома тайёрлаб, вилоят қўмондонига ҳавола этади.

4. Вилоят ҳарбий қўмондони, комиссия аъзолари томонидан юборилган мактублар ва бошқа хил ёзишмалар, қаерга бўлишидан қатъий назар, дарҳол манзилга етказилиши лозим».

Бу ҳужжат босмачилик ҳаракатини тор-мор этиш учун ўтказилиши лозим бўлган тадбирларни ўз ичига олган эди. Фарғона водийсини қўрбошилардан тозалаб, юқоридаги режаларни амалга ошириш мақсадида қизил қўшин қўмондонлари ва оқ гвардия генераллари ўзаро сулҳ тузадилар ҳамда жангни давом эттириш учун ҳарбий кучларини бирлаштирадилар.

**Рустам ШАРИПОВ,**
**филология фанлари номзоди**

*Камолот фазосидан нурлар*

# ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО ВА УНИНГ «РИСОЛАЙИ ҚУДСИЯ» АСАРИ

Тўлиқ исми Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий (1348-1420) бўлмиш бу зот Баҳоуддин Нақшбанднинг меҳр қўйган суюкли халифаларидан бири эди. Баҳоуддин Нақшбанд: «Бизнинг вужудга келишимизнинг сабаби Муҳаммад Порсонинг зуҳури эди», — деган эдилар. Мадина йўлида Баҳоуддин касалга чалиниб қолганларида эса Муҳаммад Порсога қараб: «Хожагонлардан бу заифга нимаики етган бўлса, бу омонатларнинг ҳаммасини сенга топширдим, уларни Ҳақ Субҳонаҳу халқига етқиз», — деган эдилар. Ёки: «Биздан сўнг кимки бизни орзу қилса, Муҳаммад Порсога назар қилсин», — деган эдилар.

Ҳазрати Баҳоуддин вафотларидан аввал Муҳаммад Порсони ўз ўринларига тайин қилган бўлсалар-да, бироқ у ўзидан ёши улуғроқ бўлган Хожа Алоуддин Атторга бу вазифани топширади.

Муҳаммад Порсо ўзи билан ҳампира бўлган Мавлоно Яъқуб Чархий (вафоти 1447) билан мустаҳкам ижодий алоқада бўлади. Порсо ўз ҳурмати ва эътиқодининг изҳори сифатида «Рисолайи қудсия» («Муқаддас сўзлар ҳақида рисола») асарини ёзиб, Баҳоуддин Нақшбандга бағишлайди. Мавлоно Яъқуб Чархий эса бунга жавобан «Рисолайи унсия» («Ўзаро дўстлик ҳақида рисола») асарини ёзиб, у ҳам бу асарини Баҳоуддин Нақшбанд билан бўлган муносабатлари баёнига бағишлайди. Порсо ва Чархийнинг ёзган ўнлаб асарлари ЎзФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

Муҳаммад Порсо «Рисолайи қудсия»да Баҳоуддин Нақшбанд томонидан айтилган нақшбандия сулукига оид сўзларни кенг шарҳлаб беради. Зеро, Баҳоуддин Нақшбанд томонидан айтилган ўзи қисқа, маъноси чуқур қудсий калималарни ҳамма ҳам осонгина тушуна бермас эди. Порсо суҳбатларда ўз пиридан эшитган бу қудсий калималарни ён дафтарига ёзиб олар ва асраб қўяр эди. Баҳоуддин Нақшбанднинг қудсий калималари Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» китобида алоҳида жамланган. Бу асар «Баҳоуддин Балогардон» номи билан нашр этилган. (Қаранг: Баҳоуддин Балогардон. Таржимон М. Ҳасаний. «Ёзувчи» нашриёти, 1993 й.). Порсонинг мазкур рисоладан асосий мақсади ўзи йиғиб юрган Хожа Баҳоуддиннинг қудсий калималарини толибларга тушунтириб беришдан иборат эди.

«Рисолайи қудсия» қўлёзма ҳолида кенг тарқалган. Ҳиндистонноширлари томонидан Хожа Аҳрор, Хожа Али Ромитаний, Мавлоно Яъқуб Чархий асарлари билан биргаликда тошбосмадан нашр қилинган. Қуйида ўқувчилар диққатига унинг форс тилидан ўзбекчага ўгирилган айрим парчалари ҳавола этилмоқда.

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ,**
**ЎзФА Шарқшунослик институти Қўлёзмаларни сақлаш ва рўйхатга олиш бўлимининг мудири**

**Хожа Муҳаммад ПОРСО**

# РИСОЛАЙИ ҚУДСИЯ

## МУҚАДДАС СЎЗЛАР РИСОЛАСИ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Беҳад ҳамд санолар, чеки йўқ шукрлар ва поёну қиёси йўқ мақтовлар оламлар Подшоси (Аллоҳу таоло)гаким, Унинг зикри улуғ бўлсин, висолининг толиблари ва жамолининг муштоқлари Унинг вужудига далил ҳам вужудининг ўзидир; шуҳуднинг ҳужжати ҳам шуҳудининг ўзидир.

Яъни, Уни топиш завқ ва виждон орқали муяссар бўлмайди, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло пок инояти орқали банда учун ўзига йўл беради ва унга тажаллий (жилва) қилади.

Назм (мазмуни):

**Сен Уни У орқали тани,**
**ўзинг орқали эмас,**
**Унга йўл У орқали, ақл**
**орқали эмас.**

Арабча матн (мазмуни):

**Сен ўзингни инкор қилувчи душманларингдан ҳам лутфингни дариғ**
**тутмайсан,**
**Шундай экан, Сени танийдиган ўз яқинларингдан**
**лутфингни аяма.**

Улуғвор саловотлар ва туганмас таслимотлар (саломлар) Ҳазрати Набавий (Муҳаммад) саллаллоҳу алайҳи васалламгаким, у барча анбиёларга ҳақиқий сарвар ва барча асфиёларга (авлиёларга) мутлақ раҳбардир.

Назм (мазмуни):

**Икки олам сарвари ва**
**барчанинг султони,**
**Барчанинг жони ҳамда**
**иймонининг нурли офтоби.**

Унинг (яъни пайғамбарнинг) халифаларига, дўсту ёрларига, аҳли оилаларига, саҳоба ва тобеъинларнинг барчасига ҳам салом ва саловотлар бўлсин!

Шундан сўнг (билгинки), бу бир неча калима ҳазрати олийқадр зот, иршод ва ҳидоят маснадининг улуғ мансабдори, мақтов ва валоят хислатларини ўзида жамъ қилган, ҳақиқат ва маърифат аҳлининг қутбига мулозим, рабботний сифатларнинг мазҳари, субҳоний хулқларнинг нигоҳбони:

Мазмуни:

**Қалби кибр, риё ва**
**гинасиз бўлиб,**
**Юзи қудсий нурга оина**
**эди.**
**Унинг юзи ҳар қандай**
**саволга жавоб бўлиб,**
**Ҳар қандай мушкул иш**
**сўзсиз у билан ҳал эди.**

Яъни, орифларнинг пешвоси, қутбул ақтоб, набийлар ва расулларнинг меросхўри, шайхимиз, саййидимиз, Нақшбанд номи билан машҳур Шайх Баҳо ул-Ҳақ ва-д-Дин (Баҳоуддин) Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорийнинг ҳикматли нафис ҳамда табаррук сўзларидандир. (Аллоҳ унинг руҳини муқаддас қилсин, қабрини муаттар, гўрини мунаввар қилсин, унинг муҳаббатидан бизни баҳраманд этсин ва хулқ-атворларидан ибрат олувчилардан қилсин!)

**Давоми тўртинчи бетда**




**ёхуд милий қадрриятлар оғзаки ижод талқинида**

Тарихий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, туркий халқларнинг миллат ва давлат сифатида шаклланганига кўп бўлгани йўқ. Унга қадар ҳозирги Марказий Осиё, шунингдек, Жанубий Сибир ва Жанубий Урал халқлари таркибида кўплаб туркий қабилалар, уруғлар мавжуд бўлган. Улар умумтуркийлар маданияти ҳамда тарихига асос солганликлари билан ажралиб турадилар. Бу мероснинг туб илдизлари мозийнинг анча чуқур қатламларига, аниқроғи, дунёни мифологик идрок этишнинг дастлабки босқичларига бориб тақалади. Қадимий урф-одатлар, турли мазмундаги ирим-сиримлар, анъаналар, айниқса, эътиқодий қарашлар, улар таъсирида юзага келган афсона-асотирлар аждодларимиз бадиий тафаккурининг илк меваларидир. Қуйида биз қадимги туркий халқларнинг тотемистик эътиқоди (тотем — Шимолий Америка ҳиндуларининг ожобве қабиласи тилидаги «ототем» сўзидан олинган бўлиб, «унинг уруғи» деган маънони билдиради) ва унинг миф-асотирларда ифодаланиш хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

Тотемизм, айниқса, ҳайвонларга эътиқод қилиш барча халқлар қатори қадимги туркий халқлар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Бинобарин, аждодларимиз томонидан реал ҳодиса сифатида қабул қилинган тотемистик тасаввурларнинг юзага келиши айрим ҳайвонларни уруғ, қабила асосчилари ва аждодлари тимсолига айлантирган. Шунга кўра, туркий қавмларга мансуб қабилаларнинг аксарияти бўри, айиқ, от, ит, илон ва ҳўкиз каби ҳайвонларни ўз тотемлари ҳисоблаб, уларга сиғинган ва эътиқод қилган бўлсалар, баъзи бирлари буғи, айиқ, қўй каби ҳайвонларга сиғиниб, уларни яратувчи ва ҳомий даражасида илоҳийлаштирганлар. Масалан, ўзбек, қозоқ, туркман, озарбойжон, Жанубий Сибир халқларидан олтой турклари, ёқутлар, чувашлар, Осиёдан мўғуллар орасида бўри, от, ит, айиқ, ҳўкизга нисбатан тотемик эътиқод мавжуд бўлган. Қирғизлар итга, кийикка, буғига, туркманлар эчки-такага, озарбойжонлар бўрига, кийикка эътиқод қўйганлар. Шунга кўра, қабила аъзолари ўз тотемларига қараб уруғ-аймоқларга бўлинганлар, уларнинг номлари тотем сифатида қабул қилинган ҳайвон номи билан атала бошланган. Масалан, фолклоршунос олим М. Жўраевнинг ёзишича, «... қозоқ, бошқирд, мўғул халқларида тотемистик тасаввурлар билан боғлиқ бўлган «бўри», «бўринайман» каби уруғлар учрайди». Ёки туркман халқи орасидаги «така» уруғининг мавжудлиги ҳам шундан далолат беради. Ашина ва усун (уйсун) каби қабилалар ҳам бўрига тотем сифатида топинувчи уруғ вакиллари ҳисобланадилар.

Яна бир мисол: туркий қавмларнинг уруғ, қабила номлари орасида оқ ва қора қўй билан боғлиқ атамалар учрайди. Жумладан, оқ қўйли ва қора қўйли деб номланган турк уруғлари XIV-XV асрларда жуда машҳур бўлишган. XII асрда Амударёдан то Эроннинг шимолий музофотларигача бўлган ҳудудда ўрнашган туркман уруғларининг байроғига қўй калласининг тасвири туширилган. Буни энтограф Г. Карпов алоҳида қайд қилиб ўтган. Фолклоршунос Е. Турсуновнинг таъкидлашича, оқ қўйли ва қора қўйли уруғлари қозоқларда ҳам бўлган.

Туркий қавмлар таркибидаги оқ қўйли ва қора қўйли уруғлар номи «Ўғузнома»да тасвирланган оқ ва қора қўйларни ҳоқон тахти ёнидаги ёғочларга боғлаш мотивига асосланган. Демак, айтиш мумкинки, бу каби этник атамалар моҳиятида тотем ва унга эътиқод тушунчалари мужассамлашган.

Юқоридаги фикрларни тўлдириш ва далиллашда ибтидоий даврга оид археологик топилмалар ҳамда ғор деворларига ишланган турли хил ҳайвонлар тасвири алоҳида аҳамият касб этади. Бу жиҳатдан эътиборга молик маълумотлар талайгина. Чунончи, С. Толстов кўпгина археологик ашёлар ва тарихий манбалар асосида Шарқ халқлари, хусусан, туркий қабилалар маданиятида от, илон, ҳўкиз ва бошқа ҳайвонларга сиғиниш ҳамда уларни илоҳийлаштириш ҳоллари тарихий ҳақиқат эканлигини эътироф этади. Олимнинг бу фикри кейинги тадқиқот натижаларига самарали таъсир кўрсатади. Г. Снесарев таъбири билан айтганда, С. Толстовнинг қадимги Хоразм воҳаси бўйлаб амалга оширган археологик тадқиқот ишлари натижалари узоқ аждодларимизнинг тотемистик тасаввурларини ёритишда илмий-амалий аҳамиятга эга.

Бинобарин, топилган ашёвий манбалар таҳлилига қараганда, йирик шохли ҳайвонлар, жумладан, ҳўкиз қадимда Марказий ва Олд Осиёда жойлашган Эрон қабилалари фратрийларидан бирининг тотеми ҳисобланган. Бу ҳайвонларга нисбатан тотемистик эътиқод тушунчалари туркий қавмлар орасида ҳам мавжуд бўлган.

Энди фикримизни тўлдириш учун қадимги миф-асотирларга мурожаат этайлик. Бу борада, айниқса, бўри тотеми билан боғлиқ асотирлар диққатга сазовордир. Бу ҳайвон туркий қавмлар орасида ўзгача ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ саналган. Ўша давр руҳидан келиб чиқсак, ушбу тотем моҳиятида оила, фарзанд ва ота-боболар руҳига сиғинишдек рамзий тушунчалар мужассамлашган. Шу боис қадимги манбаларда келтирилган турк афсоналарида бўри турк уруғининг аждоди сифатида ифодаланган. Тасвирланишича, қадимги турклар она бўридан ва душман томонидан қирилган уруғ ичида тасодиф билан тирик қолган ўн яшар ўғил боладан тарқалган. Болани бўри қўл-оёқлари қирқилган ҳолда топиб олган ва гўшт бериб боққан. Сўнгра ғорга кириб кетиб, у ерда ўнта бола туққан. Уларнинг ҳар бири турк уруғларининг асосчилари бўлган. Ҳатто Ашина исмли турк уруғларининг бирида бўри калласи тасвирланган байроқ ҳам бўлган. Шунинг учун ҳам ибтидоий кишилар оғир ва аянчи турмушларини яхшилашга интилганларида бўрига сиғинганлар.

Албатта, бу биз учун бир афсона бўлиб туюлади. Аммо ўша давр нуқтаи назаридан ёндошсак, воқеалар моҳияти ибтидоий инсон наздида аниқ воқелик инъикоси сифатида қабул қилинган. Бинобарин, уларнинг мазмунида ибтидоий тотемик эътиқодлар моҳиятини белгиловчи жиҳатлар кўзга ташланади.

Афсонада бўрининг тотемик манбаини белгиловчи омиллар қуйидагилардан иборат:

Дастлабки белги бўри билан қариндошликка ишонч туйғусининг ифодаланиши. Чунки тотемийликнинг бош хусусиятини белгиловчи омил қариндошликка ишонч, аждод яратувчи ёки аждод давомчиси каби тафсифларда намоён бўлади.

Афсонада бўрининг аждод боши, яратувчи ва ҳомий эканлиги унинг турк наслини сақлаш ва давом эттиришдек эзгу ишга бел боғлаганлигида яққол акс этади. Бу жиҳатдан бўри дунёга келтирган ўн боланинг ҳар бири турк уруғларининг асосчилари эканлиги ҳақидаги мифик тасаввурларнинг келтирилиши фикримизнинг далилидир.

Бироқ афсонада бўрининг тотемик жиҳатлари унинг яратувчи ёки ҳомийлиги билан чекланиб қолмайди. Гап шундаки, кишилик жамиятининг кейинги тараққиётида тотемистик тушунча ва тасаввурлар мураккаб шаклга кирган. Дастлабки аждодларимиз тасаввурида аждод боши, яратувчи ва халоскорлик хусусиятлари билан намоён бўлган тотем ҳайвонлар кейинчалик Тангри қиёфасидаги муқаддас ҳайвон мақомини олган. Худди ана шу жиҳат бўри қиёфасида ўз аксини топган. Буни «Ашина исмли турк гуруҳларининг бирида бўри калласи тасвирланган байроқ...» мисолида далиллаш мумкин. Умуман олганда, тарихий манбалар таҳлилидан қадимги туркийлар маданиятида Тангрининг бўри қиёфасидаги моддий ифодаси реал асосга эга бўлганлиги кўринади.

Бундай фикрларни бошқа қатор тотем ҳайвонлар ва улар ҳақидаги афсона-асотирлар мисолида яна давом эттириш мумкин. Масалан, Олтой афсоналарида айтилишича, кўк турклар Тангрисининг кўк ранг ва тўрт уруғни тамсил этган тўрт ўғлидан бири Яшил Хон итоатидаги уруғ эчки-такани ўз тотеми деб қабул қилган ва унга нисбатан қондошлик муносабатида бўлган. Эчки-таканинг аждод боши, «яратувчи», маданий қаҳрамон ва халоскор сифатидаги тасвири Олтой туркларининг тўфон ҳақидаги мифологик афсоналарида ҳам учрайди. Диққатни тортадиган жиҳати шундаки, ислом мифологиясидан фарқли ўлароқ, олтой асотирларидаги тўфон хабарини биринчи бўлиб темир шохли кўк така етказади.

Кўк така ер юзини етти кун айланиб бақиради:

**Етти кун зилзила бўлади,**
**Етти кун тоғлар оташ пуркайди,**
**Етти кун ёмғир ёғади,**
**Етти кун пўртана бўлади, дўл ёғади,**
**Етти кун қор ёғади.**

Бу ўринда эчки-таканинг «темир шох» ва «кўк ёл» сифатий белгиларда талқин этилиши унинг афсонавий мавжудод, яъни кўк, само ҳайвон эканлигидан далолатдир. Кўринадики, кўк така олтойликлар эътиқодига кўра, кўкдан инган яратиқ. У кўринмаслар оламидан хабар келтирувчи, келажак хавф-хатарларни олдиндан сезувчи нажоткор ва халоскор мифик мавжудоддир. Шу боис ҳам ўзи асос солган қавм ва қабилани турли хил бало-қазолардан омон сақлаб қолишга, ёвуз кучлар таҳдид солганда эса, унинг тинчлиги ва барқарорлиги йўлида дадил кураш олиб боришга бел боғлайди. Бу, албатта, тотемларга хос хусусият. Айни пайтда мифик ҳодисаларга нисбатан ибтидоий инсоннинг субъектив қараши, бошқача қилиб айтганда, ибтидоий-синкретик тафаккурнинг ҳаққоний ифодасидир.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, маданий меросимизни кенг ва илмий асосда ўрганиш бугунги кунда бениҳоя аҳамиятлидир. Ўтмиш меросимизга муносабат, миллий қадриятларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан ёндошиш, уни ҳар томонлама жиддий ўрганиш ва ташвиқ этиш ҳар доимгидан ҳам долзарброқ ишдир.

**Салима ЖУМАЕВА,**
**филология фанлари номзоди**

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1997 йил, 29 июл | 30 (111)- сон


# СИНОВЛАР ПАЛЛАСИ

Бу кўҳна оламда нима кўп — синовлар кўп. Айтайлик, иймон-эътиқод синови ёки меҳр-оқибат синови, севги-муҳаббат синови ёки вафо-садоқат синови, ота-оналигу фарзандлик синови ёхуд билимдонлигу етуклик синови... Хуллас, чуқурроқ ўйлаб қарасангиз, фоний дунёнинг ўзи нуқул синовлардан иборатдир. Унинг имтиҳон топширувчиси одамзоту одил ҳаками ҳаётдир. Лекин инсон табиатан ҳар нарсага кўникувчан ва одатланувчан бўлади. Шу боис кўпинча синов деган каломнинг асл маъно-моҳиятига эътибор бермайди. Янаям аниқроғи, баъзан олдидан оққан сувнинг қадрига етмайди. Аммо вақти соати етиб бу калом шундай бир теран мазмун касб этадики, у фақат бир кишининг ёки маълум тоифанинг ҳаётигагина эмас, ҳаммага баб-баравар дахлдор бўлиб қолади. Пировард-натижада бутун бир миллатнинг, бутун бир мамлакату жамиятнинг тақдиру келажагини белгилаб беради.

Масалага шу нуқтаи назардан қарасак, мустақил Ўзбекистон бундан олти йил муқаддам дунё афкор оммаси олдида катта бир синовдан ўтишга киришган эди. Ва, худога минг қатла шукурки, ҳозирга қадар бу синовдан муваффақиятли ўтиб келмоқда. Натижада жаҳондаги жамики халқлар ер юзида ўзбек деган миллат ҳам борлигини эшитди, у кўп нарсага қодирлигини кўрди, ўз тақдирини ўзи белгилай олишини билди. Бу халқ макон тутган Ўзбекистон дея аталмиш юрт ҳар жиҳатдан бой-бадавлатлигига, унинг келажаги ҳали янада ёрқин бўлишига қатъий ишонч ҳосил қилди. Зеро, биз эндиликда тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олдик. Насиб этса, ҳар соҳада, ҳар жабҳада дунёнинг донғил мамлакатлари билан бемалол бўйлашадиган бўлиб қолдик.

Айни шу кезларда биз яна бир синов олдида турибмиз. Яна уч кундан сўнг мамлакатимизда олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари бошланади. Унда фақат ёшларимизнинг қандай билим олганликларигина эмас, биз ўғил-қизларимизни мустақилликнинг дастлабки олти йили давомида қандай ўқитганимиз, қандай тарбиялаганимиз ҳам намоён бўлади. Бу демак, кириш имтиҳонлари ота-оналаримиз, ўқитувчиларимиз, мактабларимиз, маорифимиз, умуман олганда, жамиятимиз учун ҳам катта синовдир. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз қабул синовларининг ниҳоятда адолатли бўлиши, ноҳақликка йўл қўйилмаслиги учун қатъий чора-тадбирлар белгилаб, зарур шарт-шароитларни яратиб қўйибди. Жумладан, юртбошимизнинг ташаббуси билан бир неча йилдан буён талабаликка даъвогарлар олий ўқув юртларига тест синовлари орқали қабул қилинаётгани ана шу ғамхўрлик ва адолатпарварликнинг ёрқин бир нишонасидир. Жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси яқинда чиқарган «1997-98 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига қабул тўғрисида»ги қарор нур устига нур бўлди. Негаки, бу қарорда мамлакатимиз олий ўқув даргоҳларининг кундузги ва сиртқи бўлимларига нақд 21 минг талаба давлат гранти асосида, яъни бюджет ҳисобидан ўқишга киради. Бундан ташқари, яна шунча талаба пул тўлаш йўли билан ўқиш шарафига муяссар бўлади. Бу ғамхўрликлар, шубҳасиз, ёшларимизнинг илм

**Замон шарҳлари**

олишга, касб-ҳунар эгаллашга бўлган иштиёқини ҳар қачонгидан оширди. Шунга кўра, бу йил ўқишга кириш учун ҳужжат топширганлар сафи кенгайди. Энг муҳими, биз ёшларимиз орасида муштдай бошидан пул топишга ружу қўйганлардан, бозорма-бозор изғишга ўрганганлардан кўра ўқишга, билим олишга ҳавасмандлар кўплигининг гувоҳи бўлдик. Бироқ талаба бўлиш учун фақат ҳаваснинг ўзи кифоя қилмайди. Биринчи навбатда теран билим, иқтидор керак бўлади. Имтиҳонлар натижаларига кўра фақат ана шундай фазилатларга эга ўғил-қизлар талабаликка танлаб олинади. Бордию бу борада кимдир яна аввалгидай ғирромлик, таниш-билишчилик қилса ёки пора эвазига кимнидир ўқишга киритмоқчи бўлса, янглишади. Нопоклик йўлидан юрган устозлар гарчи ўзгалардан имтиҳон олсалар-да, ўзлари одамгарчилик имтиҳонидан ўтолмайдилар, барибир, қонун ва виждон олдида ҳисоб берадилар. Ёки билимсиз бола йўлини қилиб, бир амаллаб ўқишга кирган тақдирда ҳам кейин пушаймон бўлади. У барибир бугунги кун талабига жавоб беролмайди. Гарчи фанлар синовидан ўтса-да, ишонч ва бурч деган синовдан ўтолмайди.

Алқисса, кириш имтиҳонлари ёшларимизнинг болалигу ўсмирликда олган билимларини, ҳамда келажак тақдирларини белгилаб берувчи муҳим омилдир. Бугун тўғри ташланган қадам келажак йўлини равон қилади. Бунданам муҳимроғи, мамлакат тақдирини белгилаб беради. Чунки эндиликда биз ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораяпмиз. Бундай жамиятга эса теран билимсиз асло эришиб бўлмайди. Бу борада аҳолининг ҳуқуқий тарбияси ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Дарвоқе, ёшларимиз кириш имтиҳонларига қизғин тайёргарлик кўраётган бир пайтда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам эътиборга молик воқеалар бўлиб ўтди. Чунончи, шу йил 25 июнда Президентимиз «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармонга имзо чеккан эди. Ўтган ҳафта Вазирлар Маҳкамаси ана шу фармон асосида кетма-кет иккита қарор қабул қилди. Уларнинг бирида жумҳурият Адлия Вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш Марказини ташкил этиш, иккинчисида эса, Тошкент юридик институти ҳузурида Ҳуқуқий тарғибот марказини ва жойларда унинг минтақавий бўлимларини тузиш, айни чоғда, ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш чора-тадбирлари белгилаб берилди. Бу фармон ва қарорлар аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий фаоллигини ошириш, ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлигидан далолат беради. 24 июл кун эса Чўлпонота шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда уч мамлакат раҳбарлари ўзаро иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштириш, ягона иқтисодий макон доирасида ҳозирга қадар имзоланган ҳужжатларни амалга жорий қилиш жараёни, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро ҳаётдаги долзарб муаммолар бўйича ўзаро умумий нуқтаи назарни ишлаб чиқиш ва бошқа қатор муҳим масалаларни муҳокама қилишди, тегишли қарорларни имзолашди.

Бинобарин, бугунги кунимизнинг ҳар соати, ҳар дақиқаси катта синовлардан иборат бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон бу синовлардан муваффақиятли ўтмоқда. Мустақилликнинг олтинчи йилида тараққиёт йўлидан дадил одим отмоқда.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ**

# БАЛАНД РУҲ, ТЕРАН МАСЪУЛИЯТ

**Самарқанд вилояти ҳокими Алишер МАРДИЕВ билан суҳбат**

**— Алишер Мардиевич, назаримда, ҳар бир ватандошимиз учун Самарқандга ёруғ ниятлар билан кириб келмоқ ва унинг тупроғини ҳайрат кўзлари билан тавоф этмоқ жоиздек. Зеро, бу тупроқнинг ҳар заррасида минг йиллар тарихи, маънавияти мужассам. Бу юксаклик салобати қошида дафъатан улкан ҳайрат ва масъулият залворини ҳис этасан киши. Шу боис суҳбатимизни байрамни қандай тайёргарлик билан кутяпсизлар, деган одатдаги умумий савол билан эмас, балки қандай маънавий тадориклар кўряпсизлар деган савол билан бошламоқчи эдим, яъни байрам олди Самарқанд аҳлининг, халқнинг кайфияти қандай?**

— Албатта, ҳар қандай улуғ айём арафасида кишига яхши кайфият, эзгу ниятлар ҳамроҳ бўлади. Аммо биз пешвоз чиқаётган бу байрамнинг салмоғи, шукуҳи жамики айёмлардан кўра минг чандон юксакроқдир. Чунки бу — Истиқлол байрами, бу эрк ва ҳуррият тантанасидир. Шу боисдан ҳам, вилоятимиз аҳли ушбу муқаддас байрамимизни барча соҳаларда зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқда.

Саволингизда тўғри таъкидланганидек, бу байрамнинг маънавий аҳамияти бениҳоя катта. Бу сананинг ҳар гал нишонланиши Ватанимиз Истиқлолининг тобора мустаҳкамланиб, озод мамлакатимиз тараққиёти суръатлари барқарорлашиб, ортиб бораётганлигидан ёрқин далолатдир. Буни ер юзининг кўрки, дунё маънавиятининг мўъжизаларидан бўлган Самарқанд мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Истиқлол йилларида мамлакатимиз раҳбарияти ғамхўрлиги ҳамда юртбошимиз азму иродаси билан Самарқанд таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Айниқса, ўтган йили, буюк бобомиз — соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллик тўйи муносабати билан шаҳримиз ўзининг асл қаддини, кўрку жамолини яна бир бор намоён этди. Бугунги кунда унинг қоқ марказида Амир Темурнинг салобатли ҳайкали қад ростлаб турибди. Соҳибқирон номидаги майдон ва сўлим хиёбон вужудга келди. Турон салтанати соҳибининг муаззам хилхонаси, Регистон ёдгорликлар мажмуи тубдан таъмирланди, Амир Темур жомеъ масжиди мажмуи (Бибихоним мадрасаси) тўласича бўй кўрсатмоқда. Бундан ташқари, шаҳарда, вилоятнинг барча туманларида кўплаб ижтимоий-маданий иншоотлар қуриб фойдаланишга топширилди.

Бу йилги байрамга ана шу иш маромини сақлаган ҳолда келмоқдамиз. Чунки айни мустақиллик тантанаси кунларида Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали очилади.

Унда дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатларидан вакиллар қатнашади.

Шунингдек, мамлакатимиз ҳукумати қарорига биноан келгуси йили буюк ҳадисшунос олим Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини нишонлашга кенг миқёсда тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда, бизга теран маънавий илдизларимиздан баҳра олиб, юксалиш имконини берган улуғ Истиқлол байрамини ғоят баланд руҳ, комил ишонч ва юксак масъулият туйғуси билан кутиб олмоқдамиз.

**— Ўтган йили Президентимиз Самарқанд шаҳрини Амир Темур ордени билан тақдирладилар. Бу маълум даражада Сиз раҳбарлик қилаётган вилоят халқи меҳнатининг ҳам қадрланиши деб ўйлайман.**

— Бугун республикамиз раҳбарияти қўяётган вазифа теран ва ҳаётбахш илдизларимизга, мустаҳкам ва мукаммал пойдеворимизга таяниб, миллий давлатчилигимизнинг, маънавиятимизнинг муҳташам иморатини тиклашдан иборатдир. Шу ўринда Ислом Абдуғаниевичнинг Самарқандда Амир Темур ҳайкали очилиши ҳамда шаҳардаги Амир Темур орденини топширишга бағишланган тантанада сўзлаган нутқидаги ушбу сўзларни эслатиш жоиз деб ўйлайман: «Амир Темурни англаш ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш—тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир».

**Давоми иккинчи бетда**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши Қарор қилади:

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси 1997 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ҲАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 июль.


ЎЗБЕК НОБЕЛЛАРИ ЧИҚАДИМИ? 2-БЕТ

БАДИИЙЛИКНИНГ БОШ ЎЛЧОВИ 3-БЕТ

БУЮК DАВЛАТ САРЧАШМАЛАРИ 4-БЕТ



**«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА**

1997 йилнинг иккинчи ярми учун обуна бўлишни унутманг!

*Обуна индексимиз:*
*якка шахслар учун 64618*
*ташкилотлар учун 64619*


«МТ»: воқеалар, хабарлар

# «УМИД» ЮЛДУЗИ

Истеъдодли ёшларга бўлган эътибор юрт тараққиётининг асосий омили. Республикамизда бундай ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилаяпти. Чунончи, ўтган йили «Улуғбек» номидаги истеъдодли ёшларни қўллаш республика жамғармаси ташаббуси билан «Ўзбекистон — ватаним, ифтихорим ва шон-шарафим» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди. Унинг якуни сифатида «Талабалар созида Ватан» номли китоб нашрдан чиқарилди. Китобдан республика олий ўқув юртлари талабаларининг энг сара асарлари ўрин олди.

Бундан ташқари, жамғарма қошида «Умид» фольклор-рақс дастаси ҳам фаолият кўрсатяпти. Унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, халқ таълими аълочиси Азим Азизов раҳбарлик қилмоқда.

Яқинда «Умид» дастаси ва жамғарма фаоллари Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари бўйлаб ижодий сафарда бўлишди. Олий ўқув юртларининг талабалари билан қизғин суҳбатлар ҳозирги маънавиятимиз ҳақида кечди. Мусиқали дастурлар томошабинлар дилида ўчмас из қолдирди. Ҳинд замонавий рақсини ижро этган рақкоса қизлар, доирани «сайратган» иқтидорли йигитлар, хуллас, миллий санъатимизни кўз-кўз қилган бадиий гуруҳ иштирокчилари ўз мухлисларини топди, десак муболаға бўлмасди.

«Умид»нинг бадиий раҳбари Азим Азизов дастанинг бугунги фаолияти ҳақида шундай дейди:

— Биз ўтган йили Туркияда ўтказилган иқтидорли ёшлар мусиқий кўрик-танловида ҳам фахрли ўринни қўлга киритгандик. Мақсадимиз ўзимизни кўз-кўз қилиш эмас, балки республикамиздаги иқтидорли санъатсевар ёшларни тўплаш, уларга шу соҳа сирларини мукаммал ўргатиб, етук санъаткор қилиб тайёрлашдир. Дарвоқе, бизнинг ушбу ижодий гуруҳимизни туркиялик ихлосмандлар яна ўз юртларига таклиф этишмоқда. Насиб этса, навбатдаги сафарга отланамиз. Ўзбек санъатини бутун жаҳонга намоён қиламиз.

Санъат — маънавият осмонидаги ёрқин юлдузлардан бири. У жилвали нурлари билан бу осмонни мунаввар этади. «Умид» ҳам бу нурафшонликка ўзининг бир қатим нури билан эш бўлиб турибди. Қатим нур эса келажакни ёрқин қилишга қодир.

**Ориф ТЎХТАШ**

# ЙЎЛЛАР САМАРҚАНDDА ТУТАШАDИ

*Кейинги вақтларда республикамизда кўплаб халқаро миқёсдаги тадбирлар ўтмоқда. Чуқурроқ ўйлаб қарасак, бундай тадбирларнинг замирида катта маъно бор. Мана, биргина Самарқанд шаҳрида ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини олайлик. Аввало, бу фестивал Шарқ мамлакатлари миллий мусиқа санъатининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш, шарқона мусиқий анъаналарни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, санъат борасидаги ижодий алоқаларни янада кенгайтириш, ўзаро тинчлик, дўстлик, маданий-маънавий ҳамкорликни улуғлаш мақсадида ўтказилаётгани билан аҳамиятлидир. Қолаверса, бу тадбир халқимиз, миллатимиз мусиқий меросини, қадимий анъаналарини жаҳонга кўз-кўз қилиш имконини беради.*

*Шу кунларда фестивалга тайёргарлик қизғин паллага кирган. Айниқса, Самарқанднинг Регистон майдонида ишлар авжида. Бу ерда катта концерт саҳнаси қурилиши тугаш арафасида. Қадимий шаҳарнинг кўҳна обидалари, кўча ва хиёбонлари, меҳмонхоналар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари фестивал меҳмонлари ва қатнашчиларини кутиб олишга ҳозирланмоқда.*

*Фестивалнинг очилиш маросимида иштирок этадиган санъаткорлар режиссёр Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигида ҳар куни тайёргарлик машқлари билан бандлар. Очилиш тантаналарида намойиш этиш учун «Буюк Ипак йўли» деб номланган махсус театрлаштирилган томоша тайёрланмоқда. Республика Бадиий академияси ҳам бу ишдан четда тургани йўқ. Етакчи мусиқашунослар, олиму мутахассислар фестивал доирасида ўтадиган халқаро илмий конференцияга жиддий ҳозирлик кўрмоқдалар. Ўйлаймизки, «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзусида ўтадиган бу конференция ўзининг илмий-бадиий савияси жиҳатидан катта аҳамият касб этади.*

*Фестивал ташкилий қўмитасининг қўли-қўлига тегмайди. Таклифномалар жўнатилган қирқ давлатдан ҳозирги кунгача йигирма бешга яқин жавоблар олинди. Ўйлаймизки, ҳали бу рўйхат давом этади. Ҳар бир мамлакатдан 9 нафаргача ижодий делегация (7 кишигача бадиий жамоа, 1 мусиқашунос, 1 фахрий меҳмон) қатнашиши мумкин. Албатта, ижодкорларнинг ўз ҳисобларидан фестивалда иштирок этишлари чекланмайди.*

*Ушбу катта тадбир доирасида «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» танлови, илмий-ижодий конференция ва гала концерт ўтказилади.*

*Иштирок этувчилар халқ мусиқа ижодиёти намуналари, мумтоз миллий мусиқий асарлар, замонавий миллий мусиқий асарлар йўналишлари бўйича 30 дақиқадан ошмайдиган дастурларини тақдим этадилар.*

*Фестивал ҳайъати ҳам ғоят нуфузли бўлиб, унда АҚШ, Германия, Франция, Жанубий Корея, Миср, Туркия, Малайзия, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг машҳур мусиқашунос олимлари бор. Ҳайъатга Токио университети профессори, Шарқ мамлакатлари, хусусан, туркий халқлар мусиқий маданияти билимдони Харума Кашиба хоним раислик қилади.*

*Шубҳасиз, бу катта фестивал ўзининг махсус мукофот ва совринларига эга. Бош соврин эгаси 10 минг АҚШ доллари олади. Бундан ташқари, ҳар бири 5 минг АҚШ доллари миқдорида иккита биринчи, ҳар бири 3500 АҚШ доллари миқдорида иккита иккинчи ва ҳар бири 2 минг АҚШ доллари миқдорида 3 та учинчи мукофот таъсис этилган. Ҳозирги кунда фестивал муассислари, турли вазирликлар, жамғармалар, ижодий уюшмалар ва бошқа кўплаб ташкилотлардан ҳам фестивал учун махсус соврин тайёрлаш ҳақидаги таклифлар тушмоқда.*

*«Шарқ тароналари» фестивалининг республикамиз мустақиллигининг 6 йиллиги нишонланадиган кунларга тўғри келиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ўша кунлари юртимизга дунёнинг кўплаб мамлакатларидан эътиборли ва нуфузли меҳмонлар ташриф буюриб, яна бир бор Шарқ халқлари мусиқасининг улуғворлиги, ўзига хослиги ва бетакрорлигига гувоҳ бўладилар.*

***Гулчеҳра УМАРОВА***



Улоқ қачон бошланаркин-а?

Хожа Муҳаммад ПОРСО

# РИСОЛАЙИ ҚУДСИЯ

Мусулмонлик, ҳукмларга бўйсуниш, тақвога риоя қилиш ва амални маҳкам тутиш, рухсатли нарсалардан ҳам иложи борича узоқ бўлиш — бунинг ҳаммаси нуру сафо ва раҳматдир. Яна булар валоят даражаларига етиш воситасидир. Улуғ манзил ва мақомотларга авлиёуллоҳлар мана шу сифатларни парвариш қилиш орқали етишадилар.

Ҳазрати Хожамиз (Аллоҳ таоло уларнинг руҳини муқаддас қилсин) мазкур калималарда буюрган нарсалари Ҳазрати Хожаи Бузруг — Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийдан (Аллоҳ таоло уларнинг руҳини муқаддас қилсин) ўзларига етган нафас бўлиб, буни тушда кўрган эдилар. Ҳазрати Хожамиз (Аллоҳ таоло уларнинг руҳини муқаддас қилсин) жазаба ҳолатининг бошланиши ва ҳол ғалабаси асносида мазкур тушни кўрган эдилар. Бу туш табаррук мозорлардан бўлмиш бир мозор қошига етганларида юз берган эди. Бу табаррук мозор Бухоро ноҳияларидан бирида бўлиб, у Хожа Муҳаммад бин Восиъниng (Аллоҳ улардан рози бўлсин) мозори эди. Бу зот табаъа тобиъинларнинг улуғларидан бўлиб, Мовароуннахр мамлакатига келиб қолиши тўғри ва ҳаққоний нақл билан ўз исботини топган.

Хожаи Бузруг (Абдулхолиқ Ғиждувоний)нинг Ҳазрати Хожамизга (Аллоҳ уларнинг руҳларини муқаддас қилсин) тушдаги амрлари шундай эди: «Қадамни асл мақсад сари қўясан, рухсатли ишлардан узоқ бўласан, суннатга тобеълик кўрсатасан, бидъатлардан қочасан». Яна ул зот сулукнинг бошланиши, ўртаси ва охирига тааллуқли сўзларни ҳам айтганлар. Ҳазрати Хожамиз (Аллоҳ руҳларини муқаддас қилсин) доимо сулукда мазкур амрларга ва васиятларга тўлиқ амал қилардилар. Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг иноятi туфайли ҳар бир васиятга қилган амалларнинг натижаларини ўзларида кўрар эдилар. Бу тушда буюрилган амалга мувофиқ «зикри алония»га (овоз чиқариб зикр этиш — тарж.) амал қилмадилар. Мазкур васиятларга амал қилишлари орқали ўз ботинларида тараққий ва юксалишни ошкора ҳис этардилар. Бу туш баёнининг қиссаси ва бошқа ажойиб ҳоллар ва ғаройиб кароматлар Ҳазрати Эшоннинг «Мақомот»ларига киритилган бўлиб, азиз дўстлардан ва холис аҳбоблардан баъзиси, уларнинг юзларидан ва қўлларидан Аллоҳ бизни баравар қилсин, уни тўплаш ва ёзишга қасд қилганлар, иншоаллоҳ у мукаммал ҳолда тамом бўлади ва бу «Мақомот»нинг зикри билан дўстлар ва аҳбобларнинг қулоғи ва тиллари мунаввар ва муаттар бўлгай.

Ҳазрати Ҳожамиз тариқат бобида тариқат шайхи, жаноби Хожа Муҳаммад Бобойи Саммосийнинг фарзандлик назарини топганлар. Улар ҳазрати Азизон — Хожа Али Ромитанийнинг халифаларидан эдилар. Улар эса Хожа Маҳмуд Анжир Фағанавийнинг халифаларидан эдилар. Улар эса Хожа Ориф Ревгарий халифаларидан эдилар. Улар эса Ҳазрати Хожаи Бузург — Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг халифаларидан эдилар.

Иродат нисбати, суҳбат, сулук одобларининг таълими, зикр талқини Хожа Муҳаммад Бобойи Саммосий халифаларидан бўлган Амир Саййид Кулолдан ҳазрати Хожамизга етгандир. Аммо сулукда тарбият нисбати Ҳазрати Хожамизга ҳақиқатда хожаи бузург — Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг руҳониятлари орқали етган бўлиб, чунончи, бу ҳақда юқорида бир озгина гапириб ўтилди.

Хожаи Бузуруг — Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний имоми раббоний Шайх Абу Яъқуб Ҳамадонийнинг халифаларидан эдилар. Имом Абу Юсуф Ҳамадоний тасаввуфда насаблари Хуросон машойихларининг улуғларидан бўлган, тариқат шайхи Шайх Абу Али Формидий Тусийга тақалади. Ҳужжат-ул-ислом имом Муҳаммад Ғаззолийнинг ботин илмидаги тарбияти ҳам булардандир. Шайх Али Формидийнинг тасаввуфдаги насаблари бузругвор Шайх Абулқосим Гургоний Тусийга етади. Буларнинг нисбатлари эса уч восита билан саййид ут-тоифа (авлиёлар тоифаси — тарж.) Шайх Жунайд Бағдодийга етишади. Шайх Абулқосим Гургонийнинг бошқа насаблари машойихларнинг пешвоси, ўз замонасининг қутби, бузругвор Шайх Абул Ҳасан Ҳарақонийга етишади.

Ўта ўтган асрларда бу йўлнинг камолотга етганлари ва бу тариқнинг огоҳ солиҳлари бўлган соҳиб давлатлар кўп эдилар. Охирги даврларда кам, балки кибрити аҳмардан (қизил олтингугуртдан) ҳам азизроқ бўлиб кетдилар. Шундай даврлар эдики, садоқатли толиблар дин улуғларидан ва аҳли яқин (ишонч аҳли) пешволаридан бирининг суҳбатида ва тобеълигида шу пешвонинг тасарруфоти (таъсир кўрсатиши) воситаси билан уларнинг руҳоният қушлари башарият тухумидай бутунлай чиқар эди. Кўплаб комилу мукаммаллардан тарбият ва қабул назарини топар эдилар, суҳбатларнинг ишоратига ва хизматларининг саодатига эришар эдилар. Улар бундай зотларнинг илм нури ва ҳол билимларидан насиба олардилар, уларнинг тасаввуфдаги насаблари ва ботин илмлари туфайли равнақлари улуғ ва зиёда бўларди. Шаҳид шайх Шайх Маждуддин Бағдодий мазкур маънога ишора қилиб: «Ботин илми занжирида восита ҳалқаси қанчалик юқорироқ бўлса, асос олийроқ бўлади, чунки ҳақиқат нуридан насиба олувчи машойихлар бу насибани нубувват (пайғамбарлик) чироғидан оладилар, нур бу машойихлар ботинида қанча кўп йиғилса, бу нур туфайли толибнинг йўли шунча равшанроқ бўладики, нур устига нур, Аллоҳ хоҳлаган бандасини ўз нури билан ҳидоят йўлига солади».

Шунинг учун барча машойихларнинг ягона фикрлари бўйича, аксарият машойихларнинг силсиласи Маъруф Кархийга бориб етади. Ботин илмида уларнинг насаблари икки силсилага боғланади. Биринчиси — Довуд Тойига, уларнинг насаби Ҳабиб Ажамийга, уларники Ҳасан Басрийга етади. Уларники амирулмўъминин Алига, уларники ҳазрати Рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга етади.

Маъруф Кархийнинг ботин илмида иккинчи насаблари Имом Али Мусо ар-Ризога, уларники ўз оталари имом Мусо Козимга, уларники ўз оталари Имом Жаъфар Содиқга етади ва уларнинг тариқаси аҳли байт имомларининг тариқасидир. Аҳли байт имомларининг силсиласини умматнинг уламолари ва бузургворлари зоҳирий ва ботиний илмда иззат ва нафосат баёни учун ва таъзиму икроми учун «силсила-туз-заҳаб» (олтин занжир) деб ном қўйганлар.

Шайх Абул Ҳасан Ҳарақонийнинг тасаввуфдаги насаби султонул-орифин (орифлар султони) Абу Язид Бастомийга етади. Уларнинг сулукдаги тарбияти Шайх Абу Язид Бастомийнинг руҳониятидан эди. Абул Ҳасаннинг таваллуди Шайх Язид вафотидан анча кейин эди. Абу Язиднинг насаби эса имоми Жаъфари Содиққа етади. Уларнинг тарбияси ҳам имоми Жаъфар руҳонияти орқали эди. Ишончли нақл орқали исбот бўлишича, Абу Язиднинг туғилиши имоми Жаъфар Содиқдан кейин юз берган эди. Имоми Жаъфар Содиқнинг насаби ботин илмида икки тарафламадир. Биринчиси — ўз отаси имом Муҳаммад Боқирдан. Имоми Муҳаммад Боқирга эса ўз отаси Имом Зайнул Обидин Али бин Ҳусайн бин Алидан. Имом Зайнул Обидинга эса ўз отаси, шаҳидлар саййиди Ҳусайн бин Алидан. Шаҳидлар саййиди Ҳусан бин Алига эса ўз отаси амирул-мўъминин Али ибн Абутолибдан. Амирулмўъминин Алига эса Рисолатпаноҳдан, саллаллоҳу алайҳи васаллам ва ало олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъийн.

Имом Жаъфарнинг ботин илмидаги иккинчи нисбати ўз отаси Қосим бин Муҳаммад бин Абу Бакр Сиддиқдан. Қосим бин Муҳаммад тобиъинларнинг бузургворидан бўлиб, тобиъинлар орасида машҳур бўлган етти фақиҳнинг бири эди, зоҳир ва ботин илмлари билан оро топган эди. Қосимнинг ботин илмидаги насаби Салмон Форсийга етади. Салмони Форсий Расул саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатларига етишиш шарафини топган бўлишига қарамай, ботин илмида насаби Абу Бакр Сиддиққа етади.





ГУЛЛАР

*Мусаввир ва тасаввур*

# ТЕМУРИЙЛАР ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ

## Наққош Абдулҳай ва устод Шамсиддин

Марказий Осиё тарихида темурийлар сингари санъатни ва илм-фанни қадрлаган ҳукмдорлар ҳеч вақт бўлмаган. Амир Темурни ва Шоҳруҳ Мирзо, Улуғбек, Мирзо Бойсунғур, Султон Ҳусайн Мирзо сингари темурийзодаларни буюк китоб ошиқлари, санъат ҳомийлари, илм-фан жонкуярлари десак, асло янглишмаймиз.

Зеро, темурийлардан ўттизга яқин шоир, санъаткор ва олим етишиб чиққан. Улар даврида меъморчилик, китобат ва хаттотлик, санъатнинг амалий безак турлари билан бир қаторда нафис тасвирий санъат ҳам тез тараққий этган.

Амир Темур замонида Самарқанддан устод Жаҳонгир, Пир Сайид Аҳмад Табризий, Хожа Абдулҳай, устод Шамсиддин, Пир Аҳмад Боғи-Шамолий, кейинчалик Ҳиротдан Мирак Наққош, Қосим Али, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беҳзод, Шоҳ Музаффар каби истеъдодли мусаввирлар етишиб чиқди. Бу давр тасвирий санъатининг вужудга келиши ва ривожланишини биз аввало ўша вақтда яшаган тарихнавислар ёзиб қолдирган асарлардан ҳамда замондошларимиз бўлган санъатшунос, шарқшунос ва тарихшунос олимларнинг илмий тадқиқотларидан билишимиз мумкин. Чунончи, Шарафиддин Али Яздий, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий, Мирза Муҳаммад Ҳайдар, Зайниддин Восифий, Бобурнинг тарихий асарларида темурийлар давридаги маданий ҳаёт ва нафис тасвирий санъат намоёндалари ҳақида қисқа, аммо мазмунли маълумотлар бор.

Санъатшунос олимларнинг таъкидлашларича, тасвирий санъатда темурийлар мактабининг асосчиси мусаввир устод Гунг бўлган. Умдатул мусаввирин (мусаввирлар пешвоси) номи билан машҳур бўлган бухоролик устод Жаҳонгир устод Гунгнинг шогирди эди. Беҳзоднинг устози аталмиш Пир Сайид Аҳмад Табризий эса устод Жаҳонгирга шогирд тушганди.

Ўша даврларда яратилган санъат асарлари намуналари турли хил меъморий обидалар деворларида сақланиб қолган. Амир Темур қурдирган қасрлар деворларидаги суратлар ҳақида араб тарихнависи Ибн Арабшоҳ анчайин маълумот беради. Унинг ёзишича, Самарқанд атрофидаги чорбоғлар ичидаги қасрлар ва саройлар Эрон, Дашти Қипчоқ, Ҳиндистондаги жанглар, шаҳарларни қамал қилиш манзаралари, Амир Темурнинг султонларни, ҳокимларни қабул қилиши, олимлар билан суҳбати, тортиқ келтириш саҳналари, оммавий сайиллар, базм, ов кўринишлари билан безатилган.

Шарафиддин Али Яздий Самарқанддаги Боғи Шамол саройи тасвирлари ҳақида зарур маълумотлар беради. Бобур эса Боғи Дилкушо қасри Темурнинг Ҳиндистон сафари тўғрисида ҳикоя қилувчи тасвирлар билан безатилганини ҳикоя қилади. Деворий рангтасвир санъати Мирзо Улуғбек замонида янада юқори поғонага кўтарилган. Тарихнавислар у Чилустун чорбоғидаги Чиннихона қасрини ниҳоятда гўзал қилиб қурдирганини ёзадилар. Абдураззоқ Самарқандий ёзишича, Мирзо Улуғбек расадхонаси хоналари деворларига тўққиз осмоннинг кўриниши, осмон гумбазлари даражалари, минут ва секундлар, қушлар тасвири, етти сайёра, собита юлдузлар, иқлимлар, тоғ, денгиз, саҳро ва шунингдек, буюм ва жониворлар сурати ғоят нафис ва жонли нақш этилган.

Амир Темур саройида машҳур мусаввир Хожа Абдулҳай ҳам ижод этган. У аввал Бағдодда ўқиган ва ўша ерда ижод билан машғул бўлган. Амир Темур 1393 йили Бағдодни олгач, уларнинг наққошлик санъатидан фойдаланиш, пойтахтдаги мусаввирлар сафини янги истеъдодлар билан бойитиш мақсадида наққош Абдулҳайни ва устод Шамсиддинни Самарқандга олиб келади.

Берлинда сақланаётган бир муроққаъ (албом)да Абдулҳай мўйқаламига мансуб икки сурат мавжуд. Уларда ўрдак ва жанг саҳнаси тасвирланган. Абдулҳайга тааллуқли яна бир сурат «Туя минган сайёҳ ва пиёда дарвеш» деб номланган. У Шайх Саъдийнинг Париждаги Ротшильд шахсий коллекциясида сақланаётган «Гулистон» асари нусхасида берилган. Тасвирнинг жонлилиги, ҳар бир чизиқ ва нуқта ўринли қўйилгани мусаввирнинг юксак маҳоратидан далолат беради. Суратда саҳро, сарғиш қум, яккамдуккам ўт-ўланлар, тиканлар, орқарокда қумтепаликларнинг пастбаланд кўринишлари акс этган. Ўнг бурчакда чоғроқ тепаликлар, қуруқ бўталар. Икки чайла ва очиқ эшикли ўтов бу жой кўчманчилар овули эканлигидан далолат беради. Тасвир марказида югуриб кетаётган туя, унинг устида оёғи осмонда бўлиб қолган сайёҳ. Унинг ағдарилиши бехосдан бўлгани ҳаққоний ифодаланган: салласининг учлари елкасига ўралиб қолган. Бу ҳолни кузатиб турган овул аҳли ҳам турлича алфозда тасвирланган: ёш жувон қўрқувдан ўзини орқага ташлаган. Унинг гилам устида ўтирган эри чўп билан сайёҳни кўрсатяпти. Қўлида ўқ-ёй бор эркак билан ёш бола қўлларини чўзиб, саросима аралаш боқиб туришибди. Фақат икки бола ўйинга берилиб, воқеадан бехабар қолган. Чайла орқасида эса бир эркак ва ўрта ёшли аёл эшагини суғормоқда. Чап бурчакда эшак устида ўтирган дарвеш кутилмаган бу ҳодисани бамайлихотир кузатиб келмоқда. Унинг ёнидаги хизматкори ҳайратдан бармоғини тишлаб турибди. Мусаввир бу тасвирда кишилар ички дунёсини очишга ҳаракат қилган ва бунинг уддасидан чиққан ҳам.

Амир Темур замонида яшаб ижод қилган моҳир мусаввирлардан яна бири Пир Аҳмад Боғи Шамолийдур. Унинг тасвирлари ҳам жаҳон музейлари ва шахсий коллекцияларда сақланмоқда. Салтиков-Шчедрин номидаги Санкт-Петербург кутубхонасида устоз Жомийнинг «Силсилатуз заҳаб» достонига мусаввир мўйқаламига мансуб бир сурат илова қилинган.

Умуман олганда, темурийлар даврида тасвирий санъат юксак даражада ривожланган эди. Уларни ҳар томонлама ўрганиш бугунги кунда ҳам биз учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

**Муҳаммаджон БОБОХОНОВ**

*Фаросат мезонлари*

# БАДИИЙЛИКНИНГ БОШ ЎЛЧОВИ

## ИСТЕЪДОД ВА УНИНГ МАРОМЛАРИ

Мезонлар бадиийликнинг назарий асослари билан боғлиқ. Назарий асослар эса мезонлар ва уларнинг тарихийлиги билан алоқада яшайди.

Абу Наср Форобийнинг айтишича, «Шоирлар чиндан ҳам туғма қобилиятли ва шеър битишга тайёр табиатли кишилар бўлади ва уларда ташбеҳ ва тамсилга лаёқат яхши ишлайди... Шоирларнинг энг яхшиси туғма шоир бўлгани саналади» (Абу Наср Форобий. Шеър санъати. 1979, 35-бет).

Абдураҳмон Жомий Алишер Навоий тўғрисида шундай дейди: «Табиати тақозоси ва қобилият кенг фазосига кўра у туркий ва форсий шеърларида юксалишга муяссар бўлган... Илму дониши, ақлу заковати билан шеърлари ҳусни камоли учун ҳар қандай мақтовдан юқори» (Абдураҳмон Жомий. Баҳористон. 1979, 78-бет).

Кўриниб турибдики, бадиийликнинг биринчи мезони истеъдоддир. Истеъдодли кишигина бадиий асар ярата олади.

Ёзувчи рассом, меъмордан фарқли ўлароқ табиий, моддий бўлмаган нарсалардан моддий бўлган янги бадиий нарсани ижод этади. У бадиий дунё ижодкоридир, ўзи каби, асари ҳам такрорланмасдир, абадийдир. Ёзувчи истеъдоди — нодир нарса ва у халқ мулкидир.

Абдураҳмон Жомий Ҳофиз Шерозийни «шоирлар раҳнамоси» деб атаган: «аксар шеърлари... мўъжиза чегарасида», «...ғазаллари... бошқалар ғазалидан ўтиб кетади», «...шеърларида сунъийликдан ҳеч асар бўлмагани учун унга «Лисонул ғайб» (ғойиб тили) лақаби берилган. Унгача ҳеч ким ғазал йўлини ундай босмаган эди» (76-бет).

Навоийнинг:

**Оразин ёпқоч кўзимдин**
**сочилур ҳар лаҳза ёш,**
**Бўйлаким, пайдо бўлур**
**юлдуз ниҳон бўлғоч куёш**

байтига Лутфий юксак баҳо берган: «...агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирардим ва бу ишнинг юзага чиқишини зўр муваффақият ҳисоблардим» (Хондамир. Макоримул ахлоқ. 1948, 45—46-бетлар).

Истеъдод ўзини намоён этиши учун муайян вақт керак. Истеъдодли ёзувчини фарқлашнинг гоҳо қийин бўлиши шу жараён билан ҳам алоқадор. Бунинг устига, истеъдодли ёзувчиларнинг ҳамма асарлари ҳам бир хилда юксак савияда бўлавермайди.

Истеъдодни сотиб олиш ё бировга вақтинча ижарага бериб туришнинг иложи йўқ. Истеъдод мавҳум, яратувчи, илоҳий кучдир. Демак, истеъдод масаласи бадиийликни яратувчи омиллардан бири ва асосийсидир.

«Хамса» битгач, подшо Навоийни ўзининг оқ отига миндирган, ўзи эса отни пиёда етаклаб борган. Зайниддин Восифий бу ҳақда ёзиб қолдирган. Бундай эҳтиромга эришишда адабий меҳнатгина эмас, балки кенг доирадаги илм ҳам асқотган. Қолоқ, савияси паст ёзувчи улкан иш қила олмаслиги ҳаммага маълум.

Бировда ёзувчилик, бировда шоирлик намоёндир, бировда униси устун, буниси камроқ, бировда ҳар иккаласи тараққий этгандир.

Турли миллий адабиётлар, турли давр адабиёти ва турли ёзувчи ва шоир ижоди ё турли адабий асар бадиияти савиясининг ҳар хиллиги ёзувчилар истеъдоди ва даражасининг ҳар хиллигидир. Бу бадиийлик мезонлари ва уларга мансуб бўлган маромларга қандай риоя этилганлиги билан ҳам боғлиқдир.

Ёзувчи истеъдоди унинг муайян бадиий асарни ёзиши даврида чархланади. Демак, истеъдод масаласи бадиийлик таркибига киради. Аммо у бадиийлик қисматини ҳал этувчи қудратдир, унингсиз муайян бадиий асаргина эмас, балки бутун миллий адабиёт ҳам йўқдир. Истеъдод бадиий асарни яратади, аммо унинг ўзи шу асар ичида кўринмагандай туюлади. Ёзувчи истеъдодли бўлмаса, бадиий асар ёза олмайди.

Адабий ижодкорлик ҳаваскорлик, ёзувчилик, истеъдодлилик, санъаткорлик ва даҳоликка бўлиниши мумкин. Бу беш босқичдан тўрттаси истеъдодсиз юзага келмайди. Албатта, бундан бадиий асар истеъдоднинг ўз тажрибасидан пайдо бўлади деган хулоса чиқармаслик керак (китобхоннинг тажрибаси ҳам бадиийликка хизмат қилади). Бадиийлик асосан истеъдоднинг ҳаётни кузатиб бориши, унинг нияти ва ҳаётга муносабати билан боғлиқ. «Асарнинг бадиий ютуқлари баҳоси амалда бир вақтнинг ўзида уч саволга жавоб бериш билан шаклланади: нима тасвирланган, нима учун тасвирланган ва қандай тасвирланган?» (Н. О. Шамота. О художественности. 1954, 60-бет).

Истеъдод даражаси бадиийлик даражасини ҳосил этади, истеъдод йўналиши услубий йўналишни юзага келтиради. Баъзи истеъдодлар кучи тенг бўлиши мумкин, лекин уларнинг ижодий фаолият доираси ва услуби турлича, ўзига хос бўлади.

Истеъдодлар жамият ва тарихнинг оғир даврларида, нафсонияти оёқости қилинган йилларда кўпроқ дунёга келадилар ёки, аксинча, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий кўтаришлар даврида бўй кўрсатадилар.

Қадимги Грецияда, Шарқ ва Ғарб Уйғониш даврларида, XVIII аср француз маърифатпарварлиги даврида, XIX аср Россиясида жаҳонга довруғ солган истеъдодлар дунёга келди. Дунёда турли миллатларнинг шаклланиш даври ҳам шундай. Тарихан катта босқичларни ва улуғ даврларни истеъдодларсиз, даҳоларсиз тасаввур этиш мушкул.

Шарқдаги Уйғониш ўзига хос тарзда пайдо бўлди. Бу ерда ҳам худди Ғарбдаги каби антик маданиятга суянилди. Аммо феодализм капитализмга олиб келмади. Бунга Ғарбнинг Шарқдаги мустамлакачилиги, янги денгиз йўлининг очилиши, тахт талашиш ва сиёсий тарқоқлик, ўзаро қирғинлар, феодал давлатлар зулми сабаб бўлди. Бироқ Шарқда ҳам истеъдодларнинг қомусий хулқ-атвори, ҳар томонлама билимлилиги, инсонпарварлиги, санъатнинг гуллаши, савдо ва ҳунармандчиликнинг ўсиши юқори поғонага кўтарилди, марказлашган давлатлар тузилди, фанлар юксалди. Рудакий, Фирдавсий, Абдураҳмон Жомий, Навоий, Беҳзод каби даҳолар пайдо бўлди. Илмда Беруний, Кошғарий, Нақшбанд, Исмоил Бухорийлар камолотга эришди. Туркий халқлардан М. Ф. Охундов, Ч. Валихонов, Абай, Қ. Носирий, Фурқат каби маърифатчилар етишиб чиқдилар.

Айтишларича, истеъдод келиб чиқишининг учта асосий илдизи бор: биринчиси ирсият — қон билан боғлиқ, аммо у шароит ва бошқа кўп омиллар билан шартланган. Иккинчиси ота-онанинг ёшига ҳам тааллуқли. Аёл киши, тиббиётнинг айтишича, 37—40 ёшда ҳар жиҳатдан етилади. Эркак кишининг қирчиллама даври эса 40—44 ёшларга тўғри келади. Бу даврда дунёга келган фарзандлар истеъдодли бўлиши кўп кузатилган. Учинчиси шуки, кўл, денгиз, дарё, океан бўйларидаги ё уларга яқин жойлардаги қишлоқ-шаҳарлардан кўплаб истеъдодлар етишиб чиққан. Бунинг сабаби балиқ билан боғлиқ. Балиқ гўштида фосфор кўп бўлади. Мия — асаб тизимининг марказий бўлими ва инсоннинг тафаккур органидир. Балиқдаги фосфор (юнонча ёруғлик сочувчи, демакдир) «фаол унсур», катта қувват манбаи ҳисобланади. Шу сабабли у руҳият ва мияни бақувват, равшан қилади.

Бухоро Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида, Хива, Хоразм Амударё оралиғи — Мовароуннаҳрда жойлашган. Фарғона водийсидан Сир ва Норин дарёлари оқиб ўтади. Бу ерларда қадимдан балиқчилик ривожланган. Орол денгизи ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлган. Марказий Осиё азалдан оламшумул олим ва шоирлар бешиги бўлиб келган.

Ҳозир баъзи хорижий мамлакатларда истеъдодли кишиларнинг оталик уруғини олиб сотиш ва ўрнатиш амалиётда қўлланиляпти. Бу бўлмағур, уятсиз машғулотдан кўра турли истеъдодлар кўп бўлишининг бошқа сирларини илмий ўрганиш минг карра афзалроқдир.

Истеъдод учун меҳнат, савия (билимдонлик), бой шахсият ҳам сув билан ҳаводек зарур. Жумладан, савия ва меҳнат энг муҳим жиҳатлардандир. Биз уларни маром (арабчада меъёр) деб атадик. Зеро, истеъдод мезонининг учта мароми мавжуд: бири — меҳнат, иккинчиси — савия, учинчиси — шахсиятдир.

**МЕҲНАТ МАРОМИ**. Истеъдодга истеъдоднинг ўзи кифоя қилмайди. Истеъдод оғир меҳнат орқали рўёбга чиқади. Истеъдодли ёзувчи меҳнатсиз туролмайди, хоҳлаган вақтда, хоҳлаганча ишлайди. Унинг учун меҳнат руҳий эҳтиёждир.

Ақлий меҳнат маънавий бойликларни яратади. Машҳур кашфиётлар асосан индивидуал ақлий меҳнат самарасидир.

Истеъдодсиз кишилар гоҳо меҳнат орқали шоир ё ёзувчи бўлишга уринадилар, барибир, санъаткор ё даҳо даражасига кўтарила олмайдилар. Баъзилар кўп ёзиш билан ўзларини ёзувчи ёки шоир қилиб кўрсатиш пайида бўладилар. Лекин охир-оқибатда адабиётда сон эмас, сифат муҳим бўлиб қолаверади.

Меҳнат ҳар қанча кўп, оғир, ҳалол бўлса-да, истеъдод ўрнини боса олмайди. Меҳнат инсоннинг мақсадга мувофиқлаштирилган, ўз эҳтиёжларини қондириши учун табиат бойликларини ўзгартириш ва мослаштиришга мўлжалланган фаолиятидир. Ёзувчи — истеъдод меҳнати ҳам ҳаётга дастёрдир.

**САВИЯ МАРОМИ**. Савияси ўсган китобхон онгига озиқ бериш осон эмас. Истеъдод китобхондан орқада қолмаслиги шарт. Чунки китобхон ўрта маълумотлидан академиккача бўлган кишилардан иборатдир. Истеъдоднинг билими, тажрибаси қанча оз бўлса, малакаси ва уқуви ҳам шунга яраша бўлади. Ҳар қандай меҳнатга профессионал билим, тажриба ва малака зарур. Меҳнат эса жамият тараққиёти учун керак. Тараққиёт ислоҳот ва инқилоб йўлидан боради.

Ҳаётни бадиий идрок этиш ва у ҳақдаги илм серқиррадир. Кўп ёд олмай шоир бўлиш қийин. Навоий «Муҳокаматул луғатайн» асарида айтишича, эллик мингдан ортиқ байтни ёд билган. Бу ҳам ижодий малака ва адабиёт илмининг бир жиҳати. Улуғ шоир «Хамса»ни икки йилда ёзган. Бунда унга оғир меҳнат, жасорат, ифода ва бардошгина эмас, билим, савия ҳам ёрдам берган. Шу сабабли, Абдураҳмон Жомий форсийда Низомийнинг, туркийда Навоийнинг «Хамса»си юксак савияда ёзилганини эътироф этган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг Абдураҳмон Жомий ҳақидаги мана бу фикри ҳам шу масалага оиддир: «Дастлаб илму адаб ўрганиш билан машғул бўлди ва бора-бора замон уламоларининг етакчисига айланди... Тасаввуфда олий мақомга эришди... Нақшбанд муриди ва халифаси Саъдиддин Муҳаммад Кошғарийга хизматда бўлди, унинг «ўринбосари, тариқат курсисининг эгаси бўлиб қолди» (Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. «Тазкират уш-шуаро»дан, 185-бет).

Истеъдоднинг илоҳийлиги, унинг мислсиз куч-қудратга ва илҳомга эгалиги, келгусини олдиндан кўриши, башорат қилиши, бошқалар кўрмаган-сезмаган нарсаларни ва воқеаларни аниқ кўриши ҳамда сезиши, ўз вақтида илғаб олиши унинг илоҳий сирлардан воқифлигидадир.

Ҳадиси шарифларда шоирларга илоҳий сирлардан воқиф ва огоҳ кишилар сифатида қаралган. Халқ маънавий бойликни ўз ичидан чиққан истеъдодлар орқали яратади. Бунингсиз инсоният, у юзага келтирган ҳар қандай бой иқтисод, ҳар қандай сиёсат ва жамият ногирон бўлиб қолади ҳамда ваҳшийлашади.

Истеъдод ва унинг асарига умрбоқийликни асар мазмуни, нафосати, долзарблиги, одамларга кераклиги, уларнинг сезгисига, миясига нимадир бериши ҳадя этади.

Савия ҳам, худди ижодий меҳнат сингари, истеъдод ўрнини боса олмайди. Киши академик бўлса-да, ёзувчилик истеъдодига эга бўлмаса, яхши бадиий асарлар ёза олмайди.

**ШАХСИЯТ МАРОМИ**. Шахс у ё бу жамиятнинг муайян, муҳим ва доимий фазилатларига эга, бирор ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар кишиси бўлган инсондир. Унинг, шу жумладан, ёзувчи ёки шоирнинг ҳам камолот даражаси, онгли фаолияти, ўз-ўзини қай даражада билиши, нияти, кечинма ва тушунчаси, қизиқиши ва эҳтиёжи муҳимдир. Унинг кўнглини ташқи дунё белгилайди. Фаоллиги ёки нофаоллиги ҳам шахсий ва ижтимоий эҳтиёжидан туғилади. Кўнгли билан боғлиқ бўлган руҳияти: феъл-атвори, мижози, жўшқинлиги, салоҳияти, руҳий кечинмалари, қилиқлари, хатти-ҳаракати, асаб тизими, турмуш тарзи ва шароити бошқа кишиларнинг шундай олами билан уйғунлашиб, бадиий асарига кўчади. Унга ёзувчининг вазифаси, бошқа ҳунари, жамиятда тутган ўрни ҳам бирикади. Шахс, ёзувчи шахсияти ҳам эркин ривожланади.

Жамият ҳар бир шахсдан, жумладан, ёзувчидан ҳам тўғри фойдаланиши керак. Уни руҳан эзиш, қашшоқлаштириш, таъқиб этиш, қамаш, қувғин, сургун қилиш, мажбурлаш, шаънини хўрлаш, ноҳақ муносабатда бўлиш мумкин эмас.

Ёзувчи ҳуқуқларга эга бўлгани каби бурчларга ҳам эгадир. Унинг оддий фуқаро тарзидаги бурчи ҳам мавжуд.

Ёзувчининг ижтимоий ва ўз ҳаёти ҳам шахсияти ва истеъдоди учун муҳимдир. Иқтисодий жиҳатдан тўла таъминланган ёзувчи ижод қилиш учун етарли вақтга эга бўлади. Имконияти мақсадига мувофиқ ҳолга келади. Яъни, жамият ва табиат шахсга таъсир этади ёки, аксинча, шахс жамият ва табиатга таъсир қилади. Бу жараён шундай кечиши лозимки, инсон гармоник (уйғун) тарзда камолга етиб бориши, истеъдодидан яхши фойдаланиши керак. Бунга фақат икки нарса хавф туғдиради: бири — уруш, бошқаси мустамлакачиликдир.

Ижтимоий ҳаётдан воз кечиб бўлмайди, чунки у халқ қисмати билан боғланган. Ижодий ҳаёт муваффақияти ижтимоийлик ва шахсийликни тўғри пайванд қилишда, улар ўртасида мувозанат ва ўртача меъёрни топа билишда, сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган нуқтани англай олишдадир. Ижтимоий умумий ҳодисалар хусусийликни, хусусийлик умумийликни гуллатиши, бир-бирини рад этмаслиги лозим. Буни миллий адабиётимизнинг асосчиси, бобокалонимиз Алишер Навоий ҳаёти мисолида кўриш мумкин.

XV аср тарихчилари ва тазкирачилари ёзишича, Навоий ёшликдан зеҳни ўткир, тийрак, хушфаҳм, нозиктаъб, фикри дадил, зийрак, бийрон, ақлли ва қобилиятли бўлган. Босиқ-сипо, фаросатли, ҳалол ва соф виждонли, ростгўй ва одил, олижаноб ва инсофли, нозикмижоз ва мулойимфеъл, табиати «мақбул» эди. Навоийнинг устози Саййид Ҳасан Ардашер, пири Абдураҳмон Жомий, ҳомийси Ҳусайн Бойқаро эди. Самарқандда яшаганида, унга шаҳар ҳукмдори Аҳмад Ҳожибек ҳомийлик кўрсатди. Жаҳон тарихидаги даҳоларнинг кўпи ана шундай ҳомийлик туфайли оёққа турганлар. Демак, истеъдод учун қулай шароит, тинч муҳит, яхши, аҳил давра керак. Уни давлат, дин, омма, муҳит, оила ва давра асраши лозим.

Истеъдод кўпинча хаёл, фараз, умид, инсонийлик, муҳаббат эҳтироси, ор-номус, виждон, иймон ва адолат туйғулари тақозоси орқали ўзи яшаб турган жамият, ижтимоий тузумдан олдинга кетади. Бундай пайтда баъзи мунофиқ, худбин ҳукмдорлар, хушомадгўй руҳонийлар истеъдод соҳибларини ақлдан озган деб биладилар. Истеъдодларнинг фожиали ҳалок бўлиши аксар шу вазиятда рўй беради. Чунончи, Машраб, Нодира ва Ҳамзани ғаразгўй руҳонийларнинг иғвоси ўлимга олиб келди. Мунавварқори, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Носир, Элбек ва бошқаларни шўро сиёсати қурбон қилди. Беҳбудий фирқа ва маҳаллий сотқин ҳукмдорлар таъқиби оқибатида ҳалок бўлди.

Бинобарин, истеъдодни ижтимоий, шахсий-руҳий омиллар бошқаради ва тақозо этади. (Илиади А. Природа художественного таланта. 1965. 4-5-бетлар). Ёзувчи ҳаёти негизида унинг истеъдоди ва шахсияти туради, шахсиятига эса дунёқараши, таржимаи ҳоли, ўзига хос диди, услуби, нутқи, сезгиси, сезими, илғаб олиши, мижози, интилиши, орзуси, мақсадлари, феъли киради. Ёзувчида истеъдод бўлмаса, шахсияти ижод учун аҳамиятсиздир. Чунки оддий кишида ҳам шахсият бор. Унинг шахсияти кўриш, кечиниш орқалигина эмас, балки ўқиш, ўрганиш, тарбия ва ирсият орқали ҳам шаклланади.

Ёзувчи бургут, истеъдод унинг қанотидир. Бу қанотдан тўғри фойдаланиш бадиийлик гаровидир.

**Уммат ТЎЙЧИЕВ,**
**филология фанлари доктори**

## МАЪРИФАТ МАНЗИЛИ

# БУЮК ДАВЛАТ САРЧАШМАЛАРИ

Дунё тарихини ўрганувчи барча халқларнинг олимлари буюк бобокалонимиз Амир Темур ва унинг авлодлари даврини тадқиқ этиб, том-том китоблар ёзаётган вақтда шўролар ҳукмронлиги остидаги Ўзбекистонда бу зот тарихини ёзиш у ёқда турсин, лоақал номини тилга олиш ҳам жиноят, ғоявий-сиёсий хато ҳисобланарди. Истеъдодли уламоларимизнинг «оғизларига» қулф солинган, ким бу улуғ зотни мақтаб тилга олса, совет давлати ва ҳукмрон партия учун сиёсий кўр, ишончсиз одамга айланарди. Қизил империянинг Ўзбекистондаги собиқ малайлари — баъзи ўзбек олимлари ва мансабдорлари мустамлака марказининг бу топшириғини кўр-кўрона, манқуртларча итоат билан адо этардилар. Ушбу сатрлар муаллифларидан бири миллий истиқлолга яқин йиллар қолганда Иброҳим Мўминовнинг китобидан, «Темур тузуклари»дан руҳланиб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига ватан тарихига оид мулоҳаза-ўйлари битилган «Мангулик йўлларида» номли салкам бир саҳифали мақола ёзиб топширганди. Таҳририят уни қисқартирмай, тўла эълон қилди. Ўша мулоҳазаларда Сергей Бородин ўз асарларида Россия давлат арбобларини ички ва ташқи қиёфада гўзал қилиб, бизнинг буюк тарихий арбобларимизни эса бадбашара, ёвуз, қўрқинчли қилиб тасвирланганини, бунинг устига маҳаллий олимларимиздан баъзи бирлари ҳам миллатимиз тарихини бузишда ундан қолишмаслиги айтилганди. Бу адабий ва ижтимоий ўйларни «Озодлик» радиостанцияси бир ой давомида шарҳлаб берди...

Ушбу мақола муаллифларидан бири ўша кезларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир муовини сифатида атоқли санъатшунос, фидойи олима Галина Анатольевна Пугаченкова раҳбарлигида тайёрланган «Темурийлар даври санъати» деган катта илмий тўпламнинг 2-корректурасига «Босиб чиқарилсин!» деб имзо чеккан эди. Бироқ, ўша барча мақолалардан Амир Темур ва темурий шаҳзодаларнинг номларини олиб ташлашни талаб қилдилар. Академик Г. А. Пугаченкова бу нодир китоб тақдири учун йиғлагудек бўлиб, юқори идораларга арз қилди, аммо натижа чиқмади.

Мана, ватанимиз сиёсий мустақилликка эришиб, юртимиз тарихини, буюк арбобларимиз ҳаётини ҳадиксирамай, жазоланишдан қўрқмай, бемалол, эркин ёзиш ҳуқуқига эга бўлдик. Аммо оғир, мустамлака замонларда ватанимизнинг ҳаққоний тарихини тиклаш учун кўксини қалқон қилган Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов каби табаррук зотларни халқимиз сира унутмайди. Бир вақтлар Самарқанднинг 2500 йиллиги шарафига ЮНЕСКО қарори билан нашр этилган Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сининг форсча факсимил нусхаси ҳам таъқиқланиб, китоб дўконларидан қайтариб, йиғиб олинган эди. Низомиддин Шомий ва Али Яздий асарларини ўша вақтда нашрга тайёр қилган устоз шарқшунос, камтарин аллома Юнус Ҳакимжоновнинг ҳам бу кунларда покиза руҳи шод бўлсин! Мана энди Яздий «Зафарнома»сининг бир неча хил нашрлари эълон қилинди. Абдулла Ориф, Маъруф Жалил, Олимжон Бў-

**Абдулла Қодирий номидаги**
**Давлат мукофотига номзодлар**

риевларнинг соҳибқирон ҳақидаги шеърий асарлари, яна бир қанча ижодкорларнинг бақувват драмалари вужудга келди. Йирик насрда эса ҳозирча Бўрибой Аҳмедов билан Евгений Березиковнинг романлари халқимизга тақдим қилинди. Евгений Березиков соҳибқирон ҳаётини биринчилар қаторида журъат билан ёзган бўлса-да, у ҳам баъзи ўринларда ҳақиқатдан узоқлашди. Бўрибой Аҳмедов эса форсча ва эски туркий тилдаги манбаларни яхши билгани, Алихон Тўра Соғунийнинг «Темур тузуклари» таржимасининг қайта нашрига муҳаррирлик қилгани, «Кўчманчи ўзбеклар давлати», «Ўзбек улуси» асарларида бу даврни чуқур тадқиқ этгани учун «Амир Темур» роман-хроникасида соҳибқироннинг тўлиқ илмий-биографиясини ярата олди. Бу асарни ёзишда атоқли тарихчи ўзи эслатганидек, «олмон, италиён, испан, фаранг, инглиз, амриқолик ҳамда турк, эрон, ҳинд олимларининг асарларидан ҳам» фойдаланган.

«Тузуклар» ҳам, Бўрибой Аҳмедовнинг роман-хроникаси ҳам Моварооуннаҳр халқлари бошига оғир ташвишлар тушган энг таҳликали воқеалардан бошланади. Мовароуннаҳрга Балхаш кўли яқинидаги Жете (Еттисув)ни марказ қилган мўғул хонларидан Туғлуқ Темур ибн Ўғулхўжа ўғлон ибн Дувохон лашкар тортиб келади. Агар катта қирғин бошланса, эл-юрт бошига чексиз фалокатлар ёғилади. Шундай қийин вазиятда қандай иш тутиш зарурлигини Амир Темур пири Зайниддин Абу Бакр Тайбодийдан сўраб билади. Бу вазиятда кучли душманга ҳозирча яхши муомала қилиб, тинчликни сақлаб қолиш жуда муҳим вазифа эди. Темурбек мўғул хони юборган амирларга ноёб совға-саломлар бериб, ўзининг хонга бўйсунганлигини билдиради. Чингиз ясоғида акс этган уруш қоидасига кўра, агар душман тараф урушмасдан ўз ихтиёри билан бўйсунса, ундай вилоят ёки шаҳар бошлиғига жуда катта иззат-ҳурмат кўрсатиб, хон (ёки лашкар бошлиғи) унга яхши мартаба бериб, ўзига яқинлаштирар эди (Дарвоқе, бундай қоида Чингизхон ясоғидан минг йиллар илгари ҳам бўлган).

Мўғул истилочиларига маълум вақт хизмат қилиб турган Амир Темур ўз атрофига ватан ва халққа, ислом динига садоқатли, мард баҳодирларни етарлича тўплаб олгач, улар билан мустаҳкам аҳдпаймон тузиб, сўнг истилочиларга қарши жиддий курашларга киришди.

Бу курашда етакчининг шахсий фазилатлари — баҳодирлиги, мардлиги, олий ҳиммати, ваъдага вафодорлиги, ақл ва тадбир билан иш тутиши жуда муҳим эди. Амир Темурда ота, онаси, пирлари, устозлари мана шу фазилатларни вояга етказган эдилар. Бўлғуси буюк раҳбарнинг баркамол фазилатларга эга бўлиши ватан, давлат тақдири учун ҳал қилувчи масаладир. Амир Темурнинг ёшликдан дўсти, чингизий хонлар авлодига мансуб Амир Ҳусайн табиатида мана шу фазилатлар етишмаслиги, аксинча, унинг хон зотиданман деб, кибр билан ўзига бино қўйиши, мол-дунёга очкўзлиги, раиятга, халққа шафқатсизлиги туфайли — пайғамбар авлодлари — саидлар ва халқ уни яккалаб қўйди. Буюк одамлар аслида камтарин, бағри кенг, камбағалларга раҳмдил, золимларга аёвсиз бўладилар. Мана шу каби синовдан ўтган буюк хислатлари Ҳақ таолога ва раиятга (ва сафдошларига ҳам) маъқул келгани учун Амир Темур бир сиқим жангчилари билан ҳам мўғул истилочиларининг катта тўдалари устидан ғолиб чиқаверади. «Тузуклар»да соҳибқирон доимо эътироф этганидек, «Ғолиб бўлмоқлик қўшиннинг кўплиги билан эмас, балки Тангри мадади ва бандасининг тадбири (оқиллиги) биландир».

Бўрибой Аҳмедовнинг роман-хроникасида соҳибқироннинг мана шу инсоний хислатлари жуда кўп тарихий воқеалар давомида очиб берилади.

Амир Темурнинг жуда оз жангчилари билан мустаҳкам Қарши қалъасини эгаллаши, сўнг етиб келган мўғуллар вакили, амир Мусонинг 7 минглик отлиқ қўшинини тор-мор келтириши жаҳон ҳарбий санъати тарихида энг нодир воқеалардан ҳисобланади. Адолатли ва ҳақгўй муаррих Шарафиддин Али Яздий бу улуғ жангнинг тақдирини ҳал қилишда биргина Амир Темурнинг баҳодирлиги кифоя қилмаганини, қолган барча сафдошларининг кўрсатган баҳодирликлари ундан қолишмаслигини ошкора ёзган. Бу ғалабада амир Сори Буғо, амир Муайяд, амир Сайфиддин, чингизий шаҳзода Суюрғотмиш ўғлон, амир Аббос, элчи-Буғо баҳодир, Оқтемур баҳодир, Алишоҳ, Дарвешак-бурғучи ва бошқаларнинг ҳиссаларини мақтайди. Муаррих Али Яздий агар темурийзода подшоҳларга (айниқса, бу тарихни ёздирган Иброҳим Султон ибн Бойсунғур ибн Шоҳрухга) хушомад қилганида фақат Амир Темурнинг шижоати туфайли ғалабага эришилди, деб ёзган бўлур эди. Аммо ислом олимининг ёлғонни ёзиши гуноҳ саналади. Бундан ташқари, Амир Темурнинг ўзи кейинчалик, исломий подшоҳ сифатида Мовароуннаҳрда давлат тузганида баҳодир сафдошларини ўзидан узоқлаштирмади ва ҳамиша уларни иззат-ҳурмат қилди.

Мана шу каби қизғин жанг манзаралари роман-хроникада ҳаққоний акс эттирилади. Асарда Амир Темурнинг ҳар бир муборак қадами, ҳар бир катта ғалабаси жуда оғир машаққатлар билан қўлга киритилгани муфассал тасвирланади. Айниқса, Амир Темур ўзи бошпана бериб, Олтин Ўрда давлатига раҳбарликка кўтарган шогирди Тўхтамишхонга қарши катта уруш ғалаба билан тугалланса ҳам, ҳар икки томондан жуда кўп талафотлар берилди, ҳар икки томондан не-не баҳодир йигитлар ўлиб кетди, оила, фарзандлари етим-есир қолди. Рум султони Елдирим Боязид Шарқ оламида шуҳрат топиб, Оврупо давлатларини бирма-бир бўйсундираётган эди. Аммо барча оврупалик подшоҳлар бир бўлиб турли хил найранглар билан Султон Боязид ва Амир Темурни урушитириб қўйдилар. Оқибатда ҳар икки томондан жуда кўп мусулмонлар ўлиб кетди. Романда уруш тафсилотлари ҳам кенг тасвирланган. Айб кўпроқ Султон Боязидда эканлигини ҳалигача турк тарихчилари ҳам адолат билан эътироф қиладилар. (Буюк озар шоири Ҳусайн Жовид драмасида ҳам шу ғоя бор). Амир Темур бу порлоқ ғалабадан шодланмади. Чунки Султон Боязиднинг ўлими ва давлатининг йўқолиши оврупоперкларни келгусида кучайтириб юборишини Амир Темур тушунар, ҳис қилар эди. Шунинг учун ҳам у бағрикенглик ва меҳр-мурувват билан Султон Боязиднинг авлодларига мол-мулкларини, давлатини қайтариб берди.

Ҳоқони саъид Шоҳрух даврида Амир Темур давлати янада гуллаб яшнади, Шоҳрух, унинг баҳодир ўғли Бойсунғур, сўнгроқ Ҳусайн Бойқаро даврида деҳқонлар, ҳунармандлар, илм-фан, санъат аҳли меҳнати билан жаҳон тарихида мисли кўрилмаган ренессанс — Уйғониш юз берди. Жаҳон олимлари, тарихчи ва файласуфлари то қиёматгача бу олтин даврлар ҳақида ҳавас билан ёзадилар.

Бўрибой Аҳмедов тарихий асарининг кўпчилик воқеалари бизни ватанимизнинг бугуни ва келажаги ҳақида жиддий ўйларга ва амалий бунёдкор фаолиятга даъват қилади.

**Ғайбулло ас-САЛОМ,**
**Маҳкам МАҲМУД**

### ҲАР КУНИ КЕЛ

Номаълум солдат ҳайкали ёнидан ўта туриб, юрагим «жиз» этди. Ҳайкал пойига бир қиз гул қўяяпти. Холдорали тоғамни эсладим. У ҳали уйланишга, ўзига муносиб бирор қизни учратишга, унга кўнгил беришга улгурмасидан уруш бошланди. Шўх, чаққон, чиройли, ҳамманинг оғирини енгил қиладиган йигит эди. Ундан қорахат келди. У ҳали ҳеч кимга гул тақдим қилишга ҳам, бировдан гул олишга ҳам улгурмаган эди.

Гул қўяётган қизга қарайман. Чиройлигина экан. Ҳам ширин, ҳам дардли хўрсинаман. Ҳар куни кел, гўзал қиз, ҳар куни кел. Унга яна гул тақдим эт. У меҳрга, сендаги гўзалликка тўймай кетди.

Кел, гўзал қиз!

### ЭСКИ ДЎСТНИ ЙЎҚОТМА

У янги кийимларини кия туриб, беихтиёр отасини эслади. Отаси ўша куни узоқ хасталикдан бош кўтариб, ўрнидан қўзғалди ва бир амаллаб бўлса ҳам кўча эшик тагига чиқмоқчи бўлди. Шунда онаси отасига:

— Мана буларни кийиб олинг, ўғлингиз олиб келибди, — деди.

У отасининг шодланишини кутганди, бироқ отаси ғамга чўмгандек жим ўйланиб қолганини кўриб ҳайрон бўлиб қаради. Ота кийимларни қўлига олиб ўз устига, кейин яна янги кийимларга тикилди.

— Булар устимдаги кийимлардай эскиргунча борманми-йўқманми? — деди ўзига-ўзи. — Бери кел, ўғлим! Гапларимни эшитдингми?

— Ҳа, дада!

— Бу гапни шунчаки айтганим йўқ. Ростдан ҳам умримнинг охири кўриниб турибди, — деди чуқур нафас олиб, — дўстларинг кўп бўлсин! Аммо эски дўстларни йўқотма. Янги дўстлар эски дўстлардай бўлгунча кўп вақт кераклигини унутма!

Ахир, умр ҳисобли.

**Йўлдош СУЛАЙМОН**

## ЮРАКДАН ТОМГАН ҚАТРАЛАР



### АЧИНИШ

Сен ўзингни дунёда энг бахтлиман деб ўйлайсан. Тагингда машина, ҳовлинг муҳташам саройга ўхшайди. Қўлингни қаёққа узатсанг етади. Дам олиш уйлари, санаторийлар, энг гўзал саёҳат жойлари ҳамиша сени кутади. Хотинининг жонини ҳовучлаб сенга жовдирайди, хиёл қовоқ уюшинг билан болаларинг зир титрайди. Иккала қўлини кўксига қўйиб турадиган кишиларинг ҳам етарли. Шунинг учун ўзингни бахтли ҳисоблайсан.

Мен эса сенга ачинаман. Хаёлим ўз ихтиёримда. Юрагим раъйига қарайман. У кулдирса куламан, йиғлаш керак бўлганда йиғлайман. Ёмон кўрган одамимга севги ва ҳурматимни изҳор қилмайман. Сен бўлса, йиғлаш ўрнига кимнингдир кўнгли учун куласан, ёмон кўрган одамингни шарафлаб нутқ сўзлашдан тоймайсан. Сен бировнинг кўзига қараб, унинг хоҳишига қараб, бемалол йиғлашга тушасан.

Яна сенга ачинаман...

### МУҲАББАТ ГУЛЗОРИ

Ота хиёбон яқинида яшарди. Хиёбон ёнидан ўтаётганида юракдан бир энтикиб қўяр, ичида: «Одамлар сайр қиладиган бу жойнинг гулзори нега йўқ» — деб қўярди. У нафақага чиқиши билан ўзига ўхшаш икки-уч чолни эргаштириб, хиёбонга турли-туман гуллар ўтқазди. Ҳозир бу ердан ҳеч ким тўхтамасдан ўтиб кетолмайди. Иши зарур киши ҳам гуллар орасида секинлаб, кўзларини гуллардан узмай қолади.

Ўша чоллар гулзор ёнидаги супада чақчақлашиб ўтиришибди. Йигит-қизлар эса гуллар орасида. Севишганлар, бир-бири билан янги танишмоқчи бўлганлар шу ерда учрашадилар. Гулзор ичида учрашган ошиқ-маъшуқ ноумид кетармиди?

— Муҳаббат туғиляпти, — дейди ота гулзор оралаб юрганларга ишора қилиб. — Қаранглар, муҳаббат туғиладиган манзил яратдик.

### АФСУС

У йиғлаяпти. Қабристондан одамлар бир-бирига эргашиб тарқала бошлади. У эса ўша турганича қимирламай, ҳеч ёққа қарамай хўнг-хўнг йиғлаяпти. Юрак-юракдан йиғлаяпти. Акаси унинг шундай кўз ёш тўкишини, ўзини шунчалар яхши кўришини, қадрлашини етти ухлаб тушига ҳам киритолмасди. Бу ака-ука ҳамиша бир-бири билан аразда яшаганликларини, кейинги пайтларда эса бир-бири билан юзкўришмас бўлиб кетганликларини бутун маҳалла, бутун қариндош-уруғ биларди. Нега энди бугун ука аканинг қабри тепасида ўзини тутолмай йиғлаяпти? Бу қандай оқибат, бу қандай туйғу? Нима ахир бу?

Ука йиғлаяпти.

### ЧЎЧИМА, ҚЎЗИЧОҒИМ

Бола эмаяпти. Унга она кўксидан бўлак ҳеч нима керакмасдай, гўё бутун олам, бутун борлиқ шу — она кўксидан иборатдай, мириқиб-мириқиб эмаяпти.

Эмавер, бемалол эмавер, қўзичоғим. Ахир биз, катталар нима қилиб юрибмиз, Сенинг тинчингни бузишга йўл қўйсак?! Сени ҳимоя қилолмасак, яшашдан, курашдан нима наф?

Ҳеч нимадан чўчима, қўзичоғим.

### ҚИММАТЧИЛИКДА

Мамалатиф ака оламдан ўтиб кетганига кўп йиллар бўлса-да, водилликлар уни йиғинларда, суҳбатларда тез-тез эслашади. Дарвишсифат бу одамнинг ҳеч нима билан иши йўқ эди. Уйма-уй юриб одамларнинг оғирини енгил қиларди. Рўпара келган ишни иштиёқ билан бажарар, иштаҳа билан овқатланарди. Қўлига пул тушса, чинор тагидаги чойхонада якка ўзига беш кишилик ош дамлаб, катта товоққа сузиб, сув бўйига олиб келарди. Қайноғида ошаб, қўлини дарров сувга тиқиб, яна ошаб, бир товоқ ошни бир пасда покпокиза туширарди. Рўпарасида қараб турган болаларга кўз ташлаб-ташлаб қўйиб, яна олаверарди. Ошни еб бўлиб, чойхонадагиларга:

— Ошдан марҳум Шокир полвоннинг болаларига ҳам берай дедиму, бироқ тўкиб ейишини ўйлаб чақирмадим, — дер эди.

### КЎНГИЛ

Юрагимни кимга очишни билмай турганимда, аламдан тўлиб-тошиб турганимда, сени учратдим. Ҳасратимни тингладинг. Энди ўйласам, сўзларим сенга ёқмабди. Ўшанда сенга маъқул келмаган сўзларни айтган эканман-у, сен эса кўнглимни авайлаб маъқуллаган экансан.

Сенга таъзим, яхши одам!

### ЎША

Унинг қўшиқларини худди жонимдай севардим. Қўшиқларини тинглаб туриб, қиёфасини кўз олдимга келтиришга уринардим. Уни ўйлаганимда, ҳамма одамлардан бошқачароқ, бутун ҳаётини одамлар хизматига тиккан, улар учун ўз жонини аямайдиган гўзал инсон кўз олдимга келарди.

Уни кўрдим. Э воҳ, уни кўрдим. Чаккасига пул қистираётган кишиларга миннатдорчилик билан табассум ҳадя қилаётган пайтида кўрдим. Бир сўм узатиб қулоғига ғудирлаган мастнинг кўнглини овлаб, айтаётган ашуласини ярмида узиб бошқасини бошлаган пайтда кўрдим.

Наҳотки, бу — ўша!

### СУЮНЧИ

**Ҳамиджон Эрматовга**

Қир бағридаги ўтлоқ хаёлни тортқилаб, лолалар кўзни қамаштиради. Машинамизни ўтов олдида тўхтатдик. Ўтовдан бир бола югуриб чиқиб, бизни кўриб, бир тўхтаб олди-да, биз тарафга чопди. Ҳаммамиз унга қараб турардик. У бўлса ёнимизга келганда хиёл секинлаб, салом берди-ю, яна югуришда давом этди.

— Ҳой, бола, қаёққа кетяпсан?

— Ҳу анови далага, — деди орқасига қайрилиб ер текислаётганларни кўрсатаркан, — икки қўйим ҳозир иккитадан туғди. Қўзичоғим тўртта бўлди. Дадамдан суюнчи оламан.

— Тўхта, мендан суюнчи олмайсанми? — дедим-да, унинг қайтишини ҳам кутмай, машина ичига бош суқиб Қуддус Муҳаммадийнинг «Табиат алифбоси» китобини олдим. У яқинимга тортинчоқлик билан келиб, дам менга, дам ёнимдагиларга ҳайрон бўлиб, ҳижолат чекиб қараб турарди. Лекин қўлимдаги китоб эканлигини кўриб, қўлимни қайтармади.

Бола яна югуриб кетди. Унинг орқасидан яйраб-яйраб қараб қолдим. Кўзларимга дикиллаб сакраб, яйловни тўлдирган қўзичоқлар кўриниб, тоза ҳаводан шимириб-шимириб нафас олдим. Севинчдан ҳайқиргим, қўшиқ айтгим, ҳалиги суюнчига чопган болани яна жудажуда кўргим ва у билан гаплашгим келди.

### ЁЗ

Ёзга кириб боряпмиз. Кечагина баҳорнинг илк тафтини кутиб, Наврўзи олам қувончини сайилларда нишонлаган эдик. Кечагина эди. Баҳор ҳам ўтди-кетди. Ловуллаб-ловуллаб ёз келди. Мана, бутун нознеъматини кўз-кўзлайдиган, дастурхонга тўкадиган танти ёз бағрида турибман.

Унга сўқ билан, чанқоқлик билан қараяпману умрим ёзини ҳам кўриб тургандайман. Тўкин келгин-да, мени ерга қаратмагин-да, ўтиб кетганингни билмай қолиб, ишқилиб аттанг қилмайин-да, умрим Ёзи!

### ДАРЁ

**Марҳум журналист Холматжон Умаров хотирасига**

Дарё бўл, жигарим, дарё бўл. Пишқириб-пишқириб, лимиллаб-лимиллаб оқадиган дарё бўл! Ахир дарё ўз бағрига отилган тошларни сездирмайди. хас-чўпларни сезмайди. Ҳаммасини ўзига сингдириб, оқишда давом этади.

Дарёни булғаб бўлармиди?! Дарё бўл, жигарим, дарё бўл!

*Ёдимиз лавҳалари*

# СОҒИНСАНГИЗ, МЕНИ ИЗЛАНГ...

**Тошпўлат Ҳамид таваллудининг 70 йиллигига**

...Биз одатда истеъдодли одамларнинг қадрига ўз вақтида етмаймиз. Бу қусур баъзиларнинг вужудига қон билан кирган. Бундайларга ўзидан кўра эгаллаган мансаби, курсисини муҳофаза этиш ҳаёт-мамотдай гап. Йўқса, Тошпўлат Ҳамиддай эл таниган, обрўли бир шоирнинг номи анча вақт «депсиниб» юрмасди. Исбот дейсизми? Марҳамат:

Бундан саккиз йилча олдин — Тошпўлат ака вафотига 5 йил тўлиши муносабати билан вилоят газетасига махсус мақола тайёрладик. Бир туркум шеърларини ҳам. Хотира куни олдидан эди бу хайрли ишлар. Таҳририятдагилар эҳтиёткор эмасми, вилоят партия қўмитасидан рухсат сўрашибди. Ўшанда кўринг эди томошани: эмишки, Тошпўлат Ҳамиднинг партиявий ҳаётида қусурлар бор. У собиқ маҳбус, биринчи котибнинг дўсти, порахўр, маслакдоши. Қолаверса, Гдлян деган одамхўр иблиснинг «қора рўйхатига» тушганлардан...

Бу сўзларни уялмай-нетмай бир масъул ходим гапирарди. Ваҳоланки, мана шу «арбобча» Тошпўлат акадан энг кўп илтифот кўрган, унинг бевосита қўллаб-қувватлаши, тавсиясига кўра обкомга ишга кўтарилган эди. Сир эмас, айрим хушомадгўй, истеъдодсиз, шахсий садоқати, орқа суянчиқлари туфайли раҳбарлик лавозимига тасодифий ўтиб қолганлар оз эмас. Бу чаласавод кимса ҳам шундайлар тоифасидан эди. Хуллас, гуноҳсиз «гуноҳкор» шоирнинг хотираси ёд этилмай қолганди ўшанда.

Бу воқеаларни эслаш албатта азоб. Ҳақиқат кўзига тик боқиб, айтиш жоизки, бугун амалидан ажралиб, юзи қаро бўлган ўша безбет «арбобча» ва ундан каттароқларининг ҳам Тошпўлат Ҳамид бўйнига қўйган «иллат-лар»и ғирт ёлғон. У ҳам кўплаб юртдошларимиз қатори даврнинг шафқатсиз «ўқига» учраганлардан. Собиқ Марказ томонидан ўйлаб чиқарилган «Ўзбеклар иши»нинг миси чиққанидан барчамиз хабардормиз. Ўша «иш»ларга эса Тошпўлат аканинг ҳатто этаги ҳам илашмаган. Буни биз — бухоролик ижодкорлар яхши биламиз...

Тошпўлат Ҳамид қувноқ ва дилкаш инсон эди. У қатнашган давраларда кулги гулхани ёнарди, суҳбати жонон эди. Унинг ўн беш йилча вилоят Ёзувчилар уюшмасини бошқаргани, ўн йилча «Бухоро ҳақиқати» газетасида муҳаррирлик қилгани кечагидай эсимизда. Тўлиб-тошиб, қайнаб юрарди ҳамиша. Гарчи бағри тўла шеър бўлса-да, тўғриси, кам ёзарди. Ёзганлари эса соз



бўларди. «Мендай дангаса бўлманглар, сизлар кўп ёзинглар», дерди у шогирдларига.

Аммо сарҳисоб қилсак, Тошпўлат акадан бой адабий мерос қолган. «Қуёш шаънига», «Менинг асрим», «Бинафша уфқлар», «Лирика», «Достонлар», «Бўстон наволари», «Сирли қўчқор» сингари ўндан ортиқ мажмуалари унинг ижодкорлик салоҳияти юксаклигидан далолатдир. Шу боисдан уни Ўзбекистонимизнинг ардоқли халқ шоири А. Орипов «Зарафшон воҳасининг хушхон булбули» деб атагани бежиз эмас.

Дарвоқе, шоир акамиз Қизилтепада — шундоққина Зарафшон дарёси бўйида таваллуд топган. Унинг кўп шеърлари жонажон Бўстон қишлоғи васфига бағишлангани ҳам шу боисдан. Тошпўлат Ҳамид яхши журналист ҳам эди. Унинг қаламига мансуб кўплаб очерклар, публицистик мақолаларни муштарийлар ҳамон эсласалар керак. Энг муҳими, бағри кенг, ёшларга меҳрибон муҳаррир — устоз эди. Давр ва шароит тақозосига кўра у партия ишига кўтарилганди. Аммо ижод доимий ҳамроҳи эди унинг. «Шеър ва ғазал менинг ҳар кунги машғулотим. Мансабдаги ишим эса — кун ўтарга, савлат учун...» дерди у гоҳида ҳазиллашиб.

Хуллас, мана шунақа ажойиб инсон эди Тошпўлат акамиз. Гарчи узоқ йиллар беморланиб юрсада, ҳаётидан зорланмасди, тушкунликка берилмасди. «Партия ишидан бир бало қилиб қутулсам, катта прозага ўтаман. Бир романлар ёзайки...» дея изҳори дил этарди. Бироқ машъум ўлим шундай истеъдодли ижодкорни орамиздан бевақт олиб кетди. У 1984 йил 9 февралда Ессентуки шаҳрида дам олаётганида оламдан ўтди...

Тошпўлат Ҳамиддан яхши ном, гўзал шеърий китоблар, оқил фарзандлар қолгани барчамизга яхши аён. У тирик бўлганида бу йил 70 ёшга тўларди. Аммо бу талант соҳибининг умри мангуликка даҳлдордир. Шоир умрининг сўнгги кунларидан бирида шундай сатрларни битиб қолдирганди:

**Соғинсангиз, мени**
**изланг,**
**Боғ гуллари атридан.**
**Мен энтикиб Сизга**
**боқай,**
**Шеърларимнинг**
**сатридан.**
**Ўтаб бўлдим ҳаётимни,**
**Берилиб ҳис-туйғуга.**
**Сизга атаб ижодимни,**
**Мангу кетдим уйқуга...**

Бу шеър ҳассос шоир Тошпўлат Ҳамиднинг ўз халқига, ўқувчисига бўлган меҳр-муҳаббатининг ёлқинга айланган иқрори, босиб ўтган ҳаётининг асосий мезонидир. Шундай экан, у бизнинг сафларимизда, у абадий яшайди...

**Тошпўлат АҲМАД**
**Бухоро**

*Инсон ва табиат*

# БУЛОҚ ИЛТИЖОСИ

Эй, она табиатнинг гўзал чашмаси! Неча-неча йиллар, балки асрлар оша инсонларга ҳузурбахш этиб оби ҳаётга қондирган булоқ, сенга нима бўлди?!! Эсингдами, бу пурвиқор, мағрур тоғлар қўйнига келиб, сени илк бор кўрганимда, муздек, тану жонга роҳат зилол сувингдан энтика-энтика симирганимда, олам-олам баҳра олиб мафтунинг бўлиб қолган эдим. Ўшандан буён ҳар мавсум саратонда сени бир зиёрат қилиб кетмасам, тошдан тошга шарқираб тушиб ажиб манзара касб этадиган, ўзига чорлаб турган покиза сувингдан қониб ичмасам, кўнглим тўлмас эди. Турмуш ташвишлари билан андармон бўлиб кейинги 10 йил мобайнида бу ерларга кела олмадим... Тақдир экан, мана, яна кўришдик. Орзуйим амалга ошиши учун ниҳоят имкон топдим. Қувониб, сенинг ҳолингдан хабар олай, сўлим чашманг бўйида ҳордиқ чиқариб оромланай деган мақсадда ёнингга ошиқдим...

...Афсус, афсус! Илгариги ажиб манзара қани? Сенинг ҳузурингга олиб борувчи сўқмоқдан асар ҳам қолмабди-ку! Асрий қояларни тилкалаб йўл солишибди, асфалт ётқизишибди. Бир неча юз йиллик аждодлардан мерос чинорлар қўпориб ташланибди. Атроф чиқиндиларга тўлиб кетибди. Сувинг — кишига ҳузур бағишлаган, қоя бағрини қучиб, тошларга тўш уриб тушган сувинг, энди ярим қулоч келадиган занглаган қувурдан жилдирабгина оқар, мусиқага хос ёқимли овозинг энди ҳазин бўлиб қолган, ўта мунгли эди... Нохуш таассуротлар исканжасида эзилиб, кўнглим бузилди. Барибир сувингдан ичдим! Илгари қояларинг кўксидан қайнаб чиқаётганида лабимни тутиб ҳузурланиб ичган бўлсам, энди ҳавотир ила ҳовучимга олдиму, бир ҳўпладим, холос...

Шаҳарга қайтиш олдидан яна бир бор келган эдим. Начора, яқинингга боролмадим, орқага қайтдим! Чунки пастдаги сойда чўмилиб чиққан ширяланғоч дам олувчилар қувурдан тушаётган сувингдан оёқларини ювишар, ич кийимларини чайишарди...

Эртасигаёқ жўнаб кетдим. Руҳим сўниқ, юрагим ғаш эди. Тонгнинг муздек шабадаси ҳам кўнглимни кўтаролмас, этимни жунжиктирар эди. Елиб бораётган нохуш ўй-хаёллар таъқибидан гўё қочиб қутулмоқчи бўлардим...

**Баҳром ТОЖИЕВ**



Шафақ сеҳри


МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Масъул муҳаррир: Абдунаби ҲАЙДАРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0473.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Бектемир ПИРНАФАСОВ
1 2 3 4 5 6